

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН
БАДИЙ
АКАДЕМИЯСИ



КАМОЛДИДИЧ БЕХЗОД
НОМИДАГИ МИЛЛИЙ
РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН
ИНСТИТУТИ

МУАЛЛИФЛАРНИНГ ШАХСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ
РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

Алимов Нодир Юнусович

**МУАЛЛИФЛАРНИНГ ШАХСИЙ
ҲУҚУҚЛАРИ ВА УЛАРНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ**

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ – 2018

**Алимов Н.Ю. МУАЛЛИФЛАРНИНГ ШАХСИЙ ХУҚУҚЛАРИ
ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ / Услубий қўлланма / Т.: МРДИ.
2018 - 64 бет.**

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастури”нинг 146-бандига асосан интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада ривожлантириш вазифалари белгиланган.

Услубий қўлланмада айнан юқоридаги маълумотлар мавжуд. “Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш” мавзусидаги услубий қўлланма долзарб масалага бағишланган.

Такризчилар:

- Р.Ҳасанов** – Турон фанлар академияси академиги
О.Сулаймонов – Юристлар малакасини ошириш маркази
доценти ю.ф.н.
Ғ.Абдуллаходжаев – МРДИ “Ижтимоий фанлар” кафедраси
доценти ю.ф.н.

Услубий қўлланма Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дивайн институти Ўқув услубий кенгаши (2018 йил 21 февралдаги 6-сонли мажлис баёни)да муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

**МУАЛЛИФЛАРНИНГ ШАХСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ
ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ” МАВЗУСИДАГИ
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМАНИНГ
МУНДАРИЖАСИ:**

Кириш	5
-------------	---

**1-БОБ. “МУАЛЛИФЛАРНИНГ ШАХСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ ВА
УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШНИНГ
НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ**

1.1. “Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш” мавзуси тараққиётининг устувор йўналишлари.....	9
1.2. “Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш” мавзусини ўқитишдаги инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар.....	16

**2-БОБ. “МУАЛЛИФЛАРНИНГ ШАХСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ ВА
УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ” МАВЗУСИДАН ЎҚУВ МОДУЛИ
ИШЛАНМАСИ**

2.1. Маъруза матни.....	21
2.2. Мавзу юзасидан кейслар тўплами, амалий топшириқлар, ишланмалар.....	41
2.3. Назорат топшириқлари ва мустақил таълим юзасидан кўрсатмалар.....	48
Хулоса ва тавсиялар.....	55
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	64

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев асарлари, маъруза ҳамда нутқларида муаллифлар ҳуқуқларининг ғоявий-назарий асослари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастури”нинг 146-бандига асосан интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада ривожлантириш ҳамда 267-бандига асосан илм-фан соҳасини ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш тадбирлари ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу тадбирлар ижроси учун ОЎМТВ, хусусан Ўзбекистон Бадий Академияси масъул бўлиб, муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар, ихтироларга бўлган ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш, шунингдек бу соҳадаги давлат назорати ва таълимини кучайтириш мақсадлари қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида “ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга” дейилади¹. Конституциядаги бу ваколат ҳар қандай шахсга ижод билан эркин шуғулланиш ва ўз тафаккур маҳсулотларини ҳеч бир тўсиқсиз тарқатиш имкониятини беради. Халқаро ҳужжатлардан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси (18,19-моддалари), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт (18,19-моддалари) ва бошқаларда муаллифлик ҳуқуқи масалалари ёритилган. Айниқса, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2012. –Б.8.

Декларациясининг 27-моддасида «ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишга, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга» дейилгани муаллифлик ҳуқуқининг бевосита инсон ҳуқуқларига дахлдор эканлигини кўрсатади².

Ижод эркинлиги илмий тадқиқотлар ўтказиш, илмий ихтиролар яратиш, адабиёт ва санъатда янги асарлар ижод этиш асосида амалга оширилиши натижасида таъминланади. Давлат эса муаллифларнинг бош хомийси, жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади. ЮНЕСКО Уставининг 1-моддасида ташкилот “инсониятнинг бутун дунёвий мероси-китоблар, санъат асарлари ҳамда тарихий ва илмий аҳамиятга молик асарларни сақлаш ва қўриқлаш ҳақида ғамхўрлик қилган ҳолда ақлий фаолиятнинг барча соҳаларида, таълим, фан ва маданият соҳасида ишловчи шахсларнинг халқаро алмашинувини рағбатлантирган ҳолда нашрлар, санъат асарлари алмашинувида, мамлакатлардаги барча нашрлар билан барча халқларни таништиришни таъминлайди”, дейилган.³ Бундан кўриниб турибдики, муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи объектларининг ҳимоясини таъминлаш бевосита БМТнинг махсус ихтисослашган ташкилоти бўлмиш ЮНЕСКОнинг Уставида белгиланиши бу соҳага нечоғли эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Хозирги кунда олий таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёнларини ташкилий - ҳуқуқий асосларини ўрганиш ва таҳлил этиш ўта долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларининг таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда, таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, қонун ости ҳужжатлари, жумладан, фармонлар, қарорлар, фармойишлар ва буйруқлар каби ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатлар қўлланилмоқда.

² Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. БМТ. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. Тошкент, 1998, 26-бет

³ ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари. Конвенциялар. Битимлар. Протоколлар. Тавсияномалар. Декларациялар. Тошкент, «Адолат», 2004, 6-7-бетлар

Ўқув-услубий қўлланмада ҳозирда амалда бўлган қонунчиликка асосланиб, инсон ҳуқуқларига содиқликни тан олиб, у билан чамбарчас боғлиқ бўлган муаллифларнинг ҳуқуқлари, уларнинг мулкӣ ва шахсий-номулкӣ ҳуқуқлари таҳлил қилиниб, фанни, ҳусусан мавзунӣ ўқитиш бўйича таклифлар берилади ҳамда амалдаги қонунчиликка тавсия берилади. Фуқаролик ҳуқуқининг таркибӣ қисми ҳисобланган муаллифлик ҳуқуқӣ муносабатлари субъекларининг мулкӣ ва шахсий-номулкӣ муносабатларининг умумӣ тавсифини тадқиқ этиш, шунингдек, мавзу юзасидан ўқитишни такомиллаштириш бўйича хулоса, тавсиялар, ушбу фан бўйича электрон ўқув модули ишланмасини шакллантириш ва такомиллаштиришни ишлаб чиқишдан иборат.

Мавзунинг мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

Биринчидан, Олий таълим муассасаларида ўқитилаётган “Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш” мавзуси тараққиётининг устувор йўналишларини таҳлил этиш;

Иккинчидан, “Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш” мавзуси Муаллифлик ҳуқуқи фанининг таркибӣ қисми ҳисобланганлигини инобатга олиб, ушбу фаниннинг ўқув дастури мазмун-моҳиятини очиб бериш;

Учинчидан, Муаллифлик ҳуқуқи фанининг “Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш” мавзусидаги электрон ўқув модули ишланмасини назарӣ ва амалӣ аҳамиятини таҳлил этиш;

Тўртинчидан, Олий таълим муассасаларида Муаллифлик ҳуқуқи фанини ўқитишни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ўқув-услубий қўлланманинг предмети ва объекти: Олий таълим муассасаларида Муаллифлик ҳуқуқи соҳасининг ривожланиш тенденцияларини ўқитишдаги инновациялар ва илғор хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, “Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза

қилиш” мавзусининг мазмун-моҳиятини ўрганиш ҳамда уни назарий ва амалий тадқиқ этиш мазкур ишнинг **предмети** ҳисобланади; **объекти** Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтида ўқитилаётган муаллифлик фани соҳасидаги назарий масалалар, билимларни талабаларга етказиш, тушунтириш ва ўрганишни ташкил этади.

Ўқув-услубий қўлланманинг амалий аҳамияти ва илмий янгилиги: Олий таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёнларини устувор йўналишларни белгилаб олиш ва муаллифлик ҳуқуқи фани, жумладан, “Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш” мавзуси бўйича ташкилий тавсифга эга бўлган ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун амалий дастур яратиш. Олинган хулоса ва билдирилган таклифлардан таълим муассасалари фаолиятида, муаллифлик фанини ўқитишда ва такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин. Талабаларга мавзунини ўқишда Тошкент давлат юридик университети педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малака ошириш курсларида олинган билим, малака ва қўникмаларни қўллаб, Давлат таълим стандартларида талаб этилаётган натижаларга эришиш.

Ўқув-услубий қўлланма назарий жиҳатдан амалиёт билан, хорижий мамлакатлар тажрибаси билан боғланган ҳолатда ўрганилган. Мавзунинг қисқача дастурий тавсифи, мавзу юзасидан кейслар тўплами, амалий топшириқлар, ишланмалар, назорат топшириқлари ва мустақил таълим бўйича кўрсатмалар, мавзу юзасидан тақдимотлар, хулоса ва тавсиялар бериш орқали модул яратишдан иборат.

1-БОБ. “МУАЛЛИФЛАРНИНГ ШАХСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

1.1 “Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш” мавзуси тараққиётининг устувор йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастури”нинг 146-бандига асосан интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада ривожлантириш мақсади қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.Каримовнинг “Она юртимиз бахту-иқболи ва келажаги йўлида ҳизмат қилиш-энг олий саодатдир”-деб номланган асарида келтирилишича, мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани ва бу соҳанинг давлат бюджети харажатларидаги улуши 35 фоиздан зиёд экани, бундай кўрсаткичларни дунёнинг бошқа давлатларида камдан кам учратиш мумкинлиги бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, UNICEF, UNESCO ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда⁴.

Мустақиллик даврида ёшларимизнинг онгу-тафаккури, ҳаётга бўлган муносабати тубдан ўзгармоқда. “Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури”нинг, Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шарти бу замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантиришдир.

⁴ Каримов И.А. Она юртимиз бахту-иқболи ва келажаги йўлида ҳизмат қилиш-энг олий саодатдир. -Т.: Ўзбекистон, 2015. -Б.11

Янги жамият барпо этиш, унда ёшларнинг муносиб ҳаёт кечишини таъминлаш, таълим-тарбия тизимини муттасил ошириб бориш нақадар муҳим эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Умумий олганда, ижтимоий фанлар қаторидан ўрин олган ҳуқуқшунослик, фуқаролик ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи фанларини ўқитиш таълим-тарбия бирлигига асосланиб, ушбу фанлар ўсиб келаётган ёш авлодда сиёсий, ғоявий, маънавий-ахлоқий, жисмоний фазилатларни, юксак онг ва маданиятни шакллантиради. Ёш авлод, бўлажак мутахассисларнинг, умуман, миллатнинг қандай сиёсий, ғоявий, ахлоқий, ғоявий тамойиллар асосида яшаши ва меҳнат қилиши бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган узлуксиз таълим-тарбия тизими самарадорлигига бевосита боғлиқ.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, иқтисодий ривожланиш, таълим тизимига эътибор, озодликнинг қадрига етиш, фанзандларимизга, ёшларимизга меҳр-оқибатли бўлишда, интеллектуал қароқчиликка йўл қўймасликда муаллифлик ҳуқуқининг, муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш бугунги куннинг муҳим масаласига айланган.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда “Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш” мавзуси соҳасидаги энг сўнгги ютуқлар ҳамда илмий янгиликларга таянган ҳолда, мавжуд ҳолатни илмий-назарий ўрганиш, мазмунан бойитиш, такомиллаштириш ҳамда ислохотлар талабларига тўла жавоб берадиган даражага келтириш тамойилларига асосланиш зарур. Тизимнинг муваффақияти фаннинг ўқитилиш сифати, фанлар ўртасидаги ўзаро интеграция, “узлуксиз тарбия объекти ва субъекти” бўлган талабаларнинг камолоти, онгу тафаккурини юксалтиришга қаратилган таълим-тарбия жараёнининг самарали ташкил этилишига боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан, “Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш” мавзусини ўқитишда бугунги кунда ёшларнинг дунёқарашини бойитиш, уларнинг ушбу мавзуга даҳлдорлигини ошириш, мавзуни ўтишда интерфаол методлардан фойдаланиш, келажак талабаларини

олдиндан кўра бўлиб, масофали таълим тизимларини ўрганиш, юксак малакали мутахассислар этиб тарбиялаш олий таълим тизими олдидаги турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқларини таъминлашда илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хорижий давлатлардаги олий таълим муассасаларида, мисол учун **Германиядаги Макс Планк университетида** интеллектуал мулк ҳуқуқини ўқитишнинг электрон масофали тизими йўлга қўйилган.

Мустақиллик эришганимиздан сўнг олий таълим тизимида фанларни ўқитишда, хусусан, муаллифлик ҳуқуқи фанини ўқитишда меъёрий ҳужжатлари, ўқув-услубий мажмуалар яратилди ва улар такомиллаштирилди. Фанларни ўқитишда узвийлик ва изчилликни таъминлаш, дарслик ва ўқув қўлланмаларни такомиллаштириш, илм-фан соҳасидаги янгиликларни уларда акс эттириш, бугунги ва истиқболдаги вазифаларни ёритиш, мустақил таълим, ўқитиш жараёнида илғор педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинмоқда.

“Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш” мавзусини ўқитиш борасида миллий ва хорижий тажрибаларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш, фанларнинг намунавий ўқув дастурларини такомиллаштириш ва улар асосида маъруза матнлари, янги авлод ўқув адабиётлари, электрон адабиётларни яратиш ва таълим жараёнига босқичма-босқич жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўқув фанлари бўйича электрон ўқув воситаларининг яратилиши мазкур фанларни ўқитишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиради. Бу ўз навбатида, талабаларнинг мазкур фанлар бўйича билимларни чуқур ўзлаштиришларининг асосий омили бўлиб, таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширади. Айни шундай саъй-ҳаракатлар амалга оширилиши таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини кенг татбиқ этишни янада жадаллаштириш, илғор педагогик кадрларни билимлар

ва технологиялар билан қуроллантириш, уларнинг маҳоратини ошириш, хорижий олий таълим муассасалари тажрибасини чуқур ўрганиш ҳамда улардаги самарали усул ва воситаларни миллий таълим тизимимизга жорий этиш имконини яратади.

Маълумки, “Муаллифлик ҳуқуқи” модулини ўзлаштириш жараёнида бакалавр қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши керак:

- муаллифлик ҳуқуқининг ижодкор фаолиятидаги ўрни;
- ижодий меҳнат натижаларининг ҳимоя қилинишида муаллифлик ҳуқуқининг роли;
- интеллектуал мулк объектлари, турлари, уларнинг хусусиятлари;
- муаллифлик ҳуқуқига оид халқаро конвенция ва шартномаларнинг мазмуни;
- муаллифлик ҳуқуқи қонунчилигининг хусусиятлари;
- муаллифлик ҳуқуқининг ҳуқуқий-демократик давлатни шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти;
- Муаллифлар ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг таркибий қисми эканлиги;
- Ўзбекистон Республикаси муаллифлик ҳуқуқининг ривожланиши ва унинг қонунчиликда мустаҳкамланиши;
- Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқининг таъминланиши муаммолари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- муаллифлик ҳуқуқининг объектлари ва субъектлари;
- турдош ҳуқуқларнинг объектлари ва субъектлари;
- муаллифларнинг шахсий-номулкий ва мулкӣ ҳуқуқлари;
- муаллифлик ҳуқуқида ҳимоя муддатлари;
- муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини бошқарувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти;
- “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонун

- муаллифлик ҳуқуқига оид универсал конвенциялар турларини **билиши ва фойдалана олиши;**
- муаллифлик ҳуқуқи объектларини Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал Мулк Агентлигидан рўйхатдан ўтказиш тартиби;
- муаллифлик шартномаси, муаллифлик лицензия шартномасини тузиш шартлари;
- муаллиф ижодининг маҳсули бўлган асарни химоялаш воситалари;
- муаллифлик ҳуқуқига оид низоларнинг қайси судловга тааллуқлигини аниқлаш **кўникмаларига эга бўлиши лозим.**

Ана шуларга эришиш учун уқув модулининг бош мазуларидан бири бўлган “Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш” мавзусининг ўрни беқиёсдир.

Талабаларнинг “Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш” мавзусини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг репродуктив ва продуктив таълимдан, жумладан, маъруза ва семинарлар, ақлий ҳужум, ўз ўрнинини топ, мунозара, дебат, давра суҳбати, брейн ринг, меню, елпиғич, фикрий ҳужум, қарорлар шажараси, синквейн, инсерт, Т-чизма, венн диаграммаси, кейс стади, кластер, балиқ скелети, дамино ва бошқа интерактив таълим усулларида ҳамда замонавий информацион технологиялардан, интернет сайтлари, дарслик ва қўлланмаларнинг электрон шакллари фойдаланилади.

Ўқув-услубий қўлланмада таклиф “Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш” мавзусини ўқитиш борасида малака ошириш курсларида олинган маълумотларни қўллаб, муаллифлик ҳуқуқи фанининг (“Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш” мавзуси фан таркибида бўлади) модулини ишлаб чиқиш, бунда интерфаол методлардан унумли фойдаланиб, талабаларнинг мустақил билиш фаолиятини фаоллаштириш, табақалаштирилган таълим хусусиятларини инобатга олиб,

дарс жараёнида интерфаоллики ошириб, юқори натижага эришиш имконини беради.

ЮНЕСКО томонидан ўтказилган “Олий таълим ҳақидаги Бутунжаҳон Конференцияси” натижаларига кўра, информацион коммуникатив технологиялар ривожини Очик Таълим Ресурсларини қўпайтиришни давр талаби қилиб қўйди. Қолаверса, ҳам анъанавий таълим, ҳам замонавий таълим орқали етук мутахассисла тайёрлаш энг оптимал вариантдир. Яъни иккала таълимни қўллаш лозим.

Демак, замон талаблари билан ҳамнафас бўлиб, талабаларнинг билимини ошириши самарадорлигини ошириш мақсадида, “Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш” мавзусини ҳам интерфаол усулда ишлаб чиқиб, iSpring QuizMaker, iSpring Kinetics сингари муаллифлик дастурлари орқали мавзуга доир электрон китоблар, электрон тестлар яратиб, уларни ОТМ сайтига жойлаштириб талабаларнинг билимини иширишнинг янги ва замонавий усуллари йўлга қўйишдир. Демак, мультимедиадан кенг фойдаланиш таклифини давр талабидир.

Мультимедиа эса - бу матн, расмлар, схемалар, жадвал, диаграмма, фотосуратлар, аудиофрагментлар ва бошқа ҳар қил маълумотларни рақам кўринишида ишлаб чиқиш, яратишнинг дастурий-аппарат воситалари тушунилади. Мультимедиа электрон ўқув қўлланма қуйидаги афзалликларга эга: мультимедиа электрон ўқув қўлланмада ўқув материалнинг мультимедиа, гипермант, овоз, электрон доска шаклларида фойдаланган ҳолда тақдим этилиши, талабаларга берилаётган ўқув материални чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштириш, дарс мавзуси бўйича тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради; мультимедиа электрон ўқув қўлланмада берилаётган маълумотларнинг ҳаракати, ранг, товуш ва жонли тасвирлар билан уйғунлиги мавзунини ўрганишда монотонлик (бир хиллик) га чек қўяди; ўқитувчи ва талаба ўртасида интерфаол тизим вужудга келиб, бевосита алоқа ўрнатилиши натижасида ўқитувчи дарс жараёнида талабаларнинг фаоллигига қараб уларни баҳолаш имкониятига эга бўлади;

мультимедиа́ли электрон – ўқув қўлланмада ўқиш даражаси ва суръатини ўрганувчининг ўзи танлаш имконияти ўқитишни индивидуаллаштириш имконини беради; мультимедиа́ли электрон ўқув қўлланмага киритилган тест топшириқлари ва ўз-ўзини текшириш учун саволлар талабани тез ва самарали баҳолашга ва заруриятга қараб, тузатишлар киритишга имкон беради; олинган билимлар талаба хотирасида узоқ муддат сақланиб, керак бўлганда амалиётда қўллаш имкониятига эришилади.

1.2 “Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш” мавзусини ўқитишдаги инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар.

Униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз ота-боболаримизнинг муносиб ворислари бўлиб вояга етиши, ХХІ аср талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган комил инсон бўлиб камол топиши учун биз бундан буён ҳам куч-ғайратимизни аямаслигимиз зарур. Чунки, эртанги кун – чин маънода ёшлар кўлида. Ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга янада кўпроқ ишонч билдириш лозим⁵.

Ўзбекистон таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш устувор вазифалардан биридир. Интернет, замонавий технология талаблари таълим тизимининг ўзгаришини талаб этмоқда.

Юқори самарали замонавий таълим мақсади бу интерфаол методларни қўллаб, таълим беришнинг илғор воситаларидан фойдаланиб, таълим олувчида малака, билим, кўникма, мустақил фикр ҳосил қилиш ва иложи бўлса, ижодий фиклашни оширишдир.

Замонавий таълимда ўқув мақсадларини аниқлаш, ўқув жараёнини режалаштириш ўта муҳимдир. 1934 йилда АҚШда Тейлор томонидан таксономия, яъни мақсадларни тартиб билан кетма-кетликда жойлаштириш тизими ишлаб чиқилган бўлиб, 1956 йилда Блум таксономияси яратилди. Блум таксономияси олти босқичдан иборат: билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил қилиш, синтез, баҳолаш.

Юқоридагилар замонавий таълим талабидир.

Анъанавий таълимда ўқув мақсадларини аниқлаш қуйидаги тўртта изчилликда ташкил этилади: умумий мақсад, усулларни аниқлаш, назорат ишини аниқлаш, баҳолаш.

⁵ Абдураманов Х.Х., Абдурахмонов И.А ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” рисоласини ўрганиш бўйича ўқув қўлланама. - Т.: Ўқитувчи, 2013. –Б.35.

“Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш” мавзусини ўқитишдаги инновациялар тўғрисида гапирганда, авваламбор, “новация” ва “инновация” тушунчалари таъриф берсак.

Агар фаолият қисқа муддатли бўлса ва яхлит тизим хусусиятига эга бўлмаса, ўз олдига фақат муайян тизим элементларини ўзгартиришни вазифа деб қўйса, бу новация дейилади.

Агар фаолият мазмуни аниқ концепция асосида амалга оширилса, унинг асосий вазифаси ҳамда натижаси ўша тизим ривожига ёки принципно ўзгаришига олиб келса, бу инновация дейилади.

“Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш” мавзусини ўзлаштиришлари учун турли инновацион технологиялардан, масофали таълим бериш тизимларидан, динамик дастурлардан, таълимни бошқариш тизимларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Мавзу бўйича тест саволларини тузаётганда, тестларнинг классификациясига аҳамият бериш муҳимдир. Урганилаётган мавзунинг ўзлаштирилишини назорат қилишда, одатда, мақомига кўра ностандарт тестлар эмас, стандарт тестлар; педагогик характериغا кўра интегратив, мезонли, меёрий эмас адаптив тестлар; типи ва шаклига кўра ёпиқ типдаги эмас, очик типдаги тестлар; мазмунига кўра гетероген эмас, гамоген тестлар; мураккаблик даражасига кўра репродуктив, продуктив, ижодий тестлар эмас, оддий тестлар қўлланилади. Мана шунда қўлланилмайдиган тестларни тузиб чиқиш ва уларни қўллаш яхши натижа беради.

Инновацион технологиялар талабаларнинг фаол ҳаётий муносабатларини шакллантиришга қаратилган. Мавзуни ўқишда репродуктив ва продуктив таълимдан, жумладан, маъруза ва семинарлар, пинборд (доскада мустаҳкамлаш), БББ, брейнсторминг (ақлий ҳужум), ўз ўрнини топ, мунозара, дебат, давра суҳбати, брейн ринг, меню, елпиғич, фикрий ҳужум, қарорлар шажараси, синквейн, инсерт, Т-чизма, венн диаграммаси, кейс стади, кластер, балиқ скелети ва бошқа интерактив таълим усуллари ҳамда

замонавий информацион технологиялардан интернет сайтлари, дарслик ва қўлланмаларнинг электрон шакллари фойдаланилади.

Мавзуни ўтишда илғор хорижий тажрибалардан АҚШ, Германия давлатларидан интеллектуал мулк ҳуқуқининг таълим берилишига тўхталамиз.

Масалан, **АҚШда Гарвард университети** томонидан муаллифлик ҳуқуқини, жумладан, унинг таркибида муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ўқитиш мақсадида интерактив курс ташкил этилган. Ўқитиш интернет орқали олиб борилади, таълим олиш бепул, таълим тили инглиз тилида олиб борилади, кейс стадиалар ҳам берилган бўлиб, таълим олувчи масалаларни ечади, барча материалларни шахсий компьютерга кўчириб олиш мумкин, уларни тарқатиш ҳам мумкин⁶.

Россия ва Белоруссияда «Таълим беришнинг замонавий технологиялари» компанияси фаолият юритиб, LendWing платформасида 10 та маъруза ва 2 соатлик видеоматериал асосида интеллектуал мулк ҳимояси ҳақида интерактив усулда дарс соатларини оли боради. Таълим усули нихоятда содда рус тилида олиб борилиб интернет фойдаланувчилар томонидан ижобий баҳоланган. Маърузалар ва видео материал аслида инглиз тилидан таржима қилинган бўлиб, аригинал матн Len Smith исмли шахсга тегишли. (“Vodafone”, “The Financing Leasing Association, “Lloyds” компанияларининг интеллектуал мулк соҳасидаги юристи)⁷.

Германияда Макс Планк университети интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасида онлайн ўқитиш тизимини йўлга қўйган.

Асосли бир савол тўғилади, оммавий онлайн очик курслар ташкил этиш лозим эмасмикан?. Шу ўринда, “Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш” мавзусини ҳам қамраб оладиган, Муаллифлик ҳуқуқини тарғиб этишга ҳамда ўқитишга мўлжалланган оммавий онлайн очик курслар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

⁶ <http://cyber.law.harvard.edu/copyrightforlibrarians/>


⁷ Lendwings.com/course/9

Маълумки, *Кейс-технология* – масофавий ўқитишни ташкил қилишнинг шундай услубики, масофавий таълимда матнли, аудиовизуал ва мультимедиали (кейс) ўқув услубий материаллар мажмуаси қўлланишга асосланади.

ТВ-технология – масофавий ўқитишни ташкил қилишнинг шундай услубики, у талабаларга ўқув-методик маълумотларни телевидение воситаси ёрдамида етказишга хизмат қилади ва ташқи алоқали ихтиёрий интерактив усуллардан бири билан ўрнатишга асосланади.

Шулардан келиб чиқиб, муаллифлик ҳуқуқини ҳам телевидение орқали ўтиш тавсия этилади.

Сўнгги йилларда Ғарбда таълим тизимини бошқаришда қўлланилиб келинаётган Интернет ёки Интеранет тармоғи орқали электрон шаклдаги таълим турини Elearning (электрон таълим) атамаси билан кириб келди. Электрон таълими – ахборот-коммуникация технологиялари асосидаги таълимнинг турли кўринишларини англатувчи кенг тушунчадир. Elearning ўз ичига электрон ўқув контентларни билим оловчига етказиш усулидан келиб чиққан ҳолда гуруҳларга ажратиш мумкин.



Мазкур жадвалда, Web2 да таълим оловчига электрон почта орқали маъруза матнлари, тестлар, тарқатма материаллар, умуман, барча маълумотлар жўнатилади.

Case да юқоридаги маълумотлар дискга ёзилиб, таълим олувчига почта орқали жўнатилади.

LMS (Learning Manajment Sistem) да масофавий таълимга асосланган университетлар очилган.

mLearning да мобил телефон орқали маълумотлар жўнатилади. Айни дамда миллий сайтларда (мисол учун, www.ziyonet.uz) инглиз тилини ўрганиш курслари йўлга қўйилган. Мобил телефон орқали UMS операторида кунига 0.02 \$ эвазига инглиз тилини ўрганиш ташкил этилган. Мана шу тажрибани ўрганиб, муаллифлик ҳукукида ҳам қўлласа бўлади.

Муаллифлик ҳукукини ўрганишга бағишланган, ундаги муаммоларни ҳал этишга бағишланган миллий форум тузиш мақсадга мувофиқдир. Бунда модераторнинг маълумотларни таҳрирлаш вазифасига ҳамда маълумотларнинг тўғрилигига модераторнинг виждонан шахсий жавобгарлиги масаласига алоҳида аҳамият бериш лозим.

Менинг таклифимча мавзуни ўтишда педагогнинг компьютери ҳар доим глобал Интернет тармоғига уланган туриши лозим. Сабаби дарс жараёнида шундай вазиятлар бўладики, норматив хужжатларга қараб, муаммони ечишга эҳтиёж вужудга келади. Қолаверса, талабаларга ҳам ўзларининг шахсий телефонлари орқали интернет сайтларидан, хусусан, lex.uz сайтидан фойдаланиш имкониятини бериш тарафдориман. Давлатимизда таълим тизимида масофавий таълимни йўлга қўйиш вазифаси турган экан, глобал Интернет тармоғи ҳар доим уланган бўлиши лозим.

**2-БОБ. “МУАЛЛИФЛАРНИНГ ШАХСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ ВА
УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ” МАВЗУСИДАН ЎҚУВ МОДУЛИ
ИШЛАНМАСИ**

“МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ”

фанидан ишчи-ўқув дастури

(бакалавр йўналиши учун)

Умумий ўқув соат – 30 соат

Шу жумладан:

Маъруза – 10 соат

Семинар – 10 соат

Мустақил таълим – 10 соат

**4- мавзу. Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни
муҳофаза қилиш.**

(ишчи-ўқув дастуридаги 5 та маъруза машғулотларидан бири)

Муаллифлик. Муаллифлар ва уларнинг турлари. Муаллиф ҳуқуқининг юзага келиши. Муаллифлар ҳуқуқларининг қонунчиликда мустаҳкамланиши. Муаллифларнинг шахсий, номулкий ва мулкый ҳуқуқлари. Муаллифлар ҳуқуқларини чеклаш. Муаллифлар ҳуқуқининг ўтиши. Муаллифлик ҳуқуқининг шартнома, лицензия ва бошқа турдаги рухсатномалар билан ўтказилиши. Муаллифларнинг алоҳида ҳуқуқлари. Муаллифлик ҳуқуқида ворислик. Муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муддатлари. Муаллифлар ҳуқуқларининг тугатилиши. Бошқа ҳуқуқлар. Муаллифлик ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ системасидаги ҳуқуқлар билан алоқаси. Халқаро муаллифлик ҳуқуқлари. Хорижий муаллифларнинг муаллифлик ҳуқуқи. Ҳаммуаллифлик. Аралаш ҳуқуқлар.

Мустақил таълимнинг ишланмаси.

Талаба мустақил ишни тайёрлашда “Муаллифлик ҳуқуқи” фанининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади: дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича мавзунини ўрганиш; тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш; махсус адабиётлар бўйича мавзу устида ишлаш; талабанинг ўқув-илмий тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган мавзунинг режаларидаги саволларни чуқур ўрганиш; интернет маълумотларидан фойдаланиб, реферат тайёрлаб келиш.

Мавзуга оид мустақил иш реферат шаклида амалга оширилади. Реферат лойиҳалари қуйидаги тузилишдан иборат бўлади: титул varaғи; кириш; асосий қисм; хулосалар; фойдаланилган адабиётлар рўйхати; иловалар. Рефератнинг ҳажми фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташқари 15-25 бет бўлиши лозим.

Мавзуга оид твсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

Мустақил таълим мавзулари

	Мустақил таълимга оид мавзулар	Ҳажми (соатда)
	Турдош ҳуқуқларда муаллифлик ҳуқуқлари.	2
	Муаллифлар шахсий-номулкий ҳуқуқларининг қонунчиликда мустаҳкамланиши.	2
	Муаллифлар мулкый ҳуқуқларининг қонунчиликда мустаҳкамланиши.	2
	Жами:	6

Мавзу. Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш

- 1.Муаллифларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари.**
- 2.Муаллифларнинг шахсий мулкӣ ҳуқуқлари.**
- 3.Муаллифлик ҳуқуқларини ўзгaларга ўтказиш тартиби.**
- 4.Муаллифлар ҳуқуқларининг дахлсизлиги ва ҳимоя қилиш муддатлари.**
- 5.Асарлардан эркин фойдаланиш тартиби.**

Маъруза бўйича таянч сўзлар.

Шахсий ҳуқуқлар, муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ ёки номлаш ҳуқуқи, ошкор қилишга бўлган ҳуқуқ, чақириб олиш ҳуқуқи, асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ, муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, мулкӣ ҳуқуқлар, такрорлаш ҳуқуқи, тарқатиш ҳуқуқи, барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи, прокатга бериш ҳуқуқи, импорт қилиш ҳуқуқи, кабель орқали юбориш ҳуқуқи, қайта ишлаш ҳуқуқи, омма олдида намойиш этиш ҳуқуқи, омма олдида ижро этиш ҳуқуқи, эфирга узатиш ҳуқуқи, таржима қилиш ҳуқуқи, барчанинг эътиборига такроран юбориш ҳуқуқи, ҳақ олиш ҳуқуқи.

Маъруза матни.

Муаллифнинг ҳуқуқи икки гуруҳга ажратилган ҳолда ўрганилади. Биринчиси, муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари. Бу ҳуқуқлар моддий кўринишга эга бўлмай, муаллифлик номини тан олиш, номига бўлган ҳуқуқ, эълон қилиш ҳуқуқлари ва бошқалардан иборат. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1051-моддаси, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуннинг 17-20-моддаларида муаллифлик шахсий номулкий ҳуқуқларига оид нормалар берилган. Бунда, **асар муаллифига қуйидаги шахсий-номулкий ҳуқуқлар тегишлидир, дейилади:**

асар муаллифи деб эътироф этилиш ҳуқуқи (муаллифлик ҳуқуқи);

асардан муаллифнинг ҳақиқий исми-шарифи, тахаллусини кўрсатган ҳолда ёхуд исми-шарифини кўрсатмасдан, яъни имзосиз фойдаланиш ёки фойдаланишга рухсат бериш ҳукуқи (**муаллифлик исми-шарифига бўлган ҳуқуқ**);

асарни ҳар қандай шаклда ошкор қилиш ёки ошкор қилишга рухсат бериш ҳукуқи (**ошкор қилишга бўлган ҳуқуқ**), шу жумладан чақириб олиш ҳукуқи;

асарни, шу жумладан унинг номини муаллифнинг шаъни ва кадр-кимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳукуқи (**муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳукуқи**).

Муаллиф асарни ошкор қилиш тўғрисида илгари қабул қилган қароридан, асардан фойдаланиш ҳуқуқини олган шахсларга улар шундай қарор туфайли кўрган зарарларнинг ўрнини, шу жумладан бой берилган фойдани қоплаш шарти билан, воз кечиш ҳуқуқига (асарни чақириб олиш ҳуқуқига) эгадир. Агар асар ошкор қилинган бўлса, муаллиф уни чақириб олганлиги тўғрисида оммага маълум қилиши шарт. Бунда у асарнинг аввал тайёрланган нусхаларини ўз ҳисобидан муомаладан олиб қўйишга ҳақлидир. Бу қоидалар, агар муаллиф билан тузилган шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, хизмат асарларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланишда асарнинг ўзига, номига ва муаллифнинг исми-шарифи кўрсатилишига бирон-бир ўзгартиш киритишга фақат муаллифнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Муаллифнинг розилигисиз унинг асарини безаклар, сўзбоши, хотима, шарҳлар ёки бирон-бир тушунтиришлар билан нашр этиш тақиқланади.

Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари унинг мулкый ҳуқуқларидан қатъи назар, унга тегишли бўлиб, асардан фойдаланишга бўлган

мутлақ ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтказилган тақдирда ҳам унинг ўзида сақланиб қолади.

Муаллифнинг ўз шахсий номулкий ҳуқуқларини амалга оширишдан воз кечиш тўғрисида бирон-бир шахс билан келишуви ва бу ҳақдаги аризаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Кодекснинг 1052- ва Қонуннинг 18-моддаси муаллиф (ҳаммуаллифлар)нинг ўзи яратган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг, яъни шу асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи эътироф қилинишини истисно этади, деб белгилайди. Яъни, асарнинг муаллифи деб тан олиш ҳуқуқи (муаллифлик ҳуқуқи) муаллифга тегишли бўлади.

Муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ қуйидагича таърифланади: «Муаллиф асардан ўз исми, тахаллусини кўрсатган ҳолда ёки хуфёна ҳолда фойдаланиш ёки шу тарзда фойдаланишга руҳсат бериш борасида алоҳида ҳуқуққа (муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ ёки номлаш ҳуқуқига) эгадир».

Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларидан бири асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқдир (Кодекснинг 1054, Қонуннинг 18-моддалари). Муаллиф ўз асарида ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, асарга ўзининг розилигисиз бирон бир шахс томонидан ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритилишида асарни ҳимоя қилиш бўйича алоҳида ҳуқуқ (асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ)қа эга.

Асарни нашр этиш, омма олдида ижро этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланишда асарнинг ўзига ҳам унинг номига ҳам, муаллиф номи кўрсатилишига ҳам бирон бир ўзгартиш киритишга фақат муаллифнинг розилиги билангина йул қўйилади. Муаллифнинг розилигисиз унинг асарини безаклар билан, сўз боши, хотима, шарҳ ёки бирон бир тушунтиришлар билан нашр этиш тақиқланади.

“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуннинг **19-моддаси муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқларини таърифлайди.**

Муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга.

Юридик ва жисмоний шахслар, ушбу Қонунда кўрсатилганидан ташқари ҳолларда, асардан фақат ҳуқуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахс билан тузилган шартномага биноан, шу жумладан мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар билан тузилган шартномага биноан ёхуд улар бўлмаган тақдирда, бу ташкилотларнинг вазифалари ва мажбуриятларини бажарувчи ташкилот билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкин.

Муаллифнинг асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англатади:

асарни такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);

асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);

асарни барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);

асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини прокатга бериш (прокатга бериш ҳуқуқи);

тарқатиш мақсадида асарнинг нусхаларини, шу жумладан мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг рухсати билан тайёрланган нусхаларини импорт қилиш (импорт қилиш ҳуқуқи);

асарни сим (кабель) орқали ёки бошқа шу каби воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш (кабель орқали юбориш ҳуқуқи);

асарга тузатишлар киритиш, уни аранжировка қилиш ёки бошқача тарзда қайта ишлаш (қайта ишлаш ҳуқуқи);

асарни омма олдида намойиш этиш (омма олдида намойиш этиш ҳукуки);

асарни омма олдида ижро этиш (омма олдида ижро этиш ҳукуки);

асарни симсиз воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш (эфирга узатиш ҳукуки);

асарни таржима қилиш (таржима қилиш ҳукуки);

асарни барчанинг эътиборига такроран юбориш, агар бундай юбориш дастлабки юборишни амалга оширган ташкилотдан бошқа ташкилот томонидан амалга оширилса (барчанинг эътиборига такроран юбориш ҳукуки).

Муаллиф ўз асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳукукига (ҳақ олиш ҳукуки) эга.

Агар чоп этилган асарнинг нусхалари уларни сотиш ёки мулк ҳукуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш орқали фуқаролик муомаласига қонуний киритилган бўлса, уларни келгусида муаллифнинг розилигисиз ва унга ҳақ тўламасдан тарқатишга йўл қўйилади, қонунда назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

Асардан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, асардан фойдаланилган деб ҳисобланади.

Асарнинг мазмунини ташкил этувчи қоидаларни (ихтироларни, бошқа техникавий, иқтисодий, ташкилий ва шу каби ечимларни) амалий қўллаш асардан муаллифлик ҳукуқи маъносида фойдаланганлик деб ҳисобланмайди.

Қонуннинг олдинги таҳририга кўра, муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқларидан бири, бу асарни эълон қилиш ҳуқуқидир, дейилган эди.

Муаллиф аниқ бўлмаган доирадаги шахсларнинг асардан фойдаланишига имкон яратиб бериш ҳуқуқига (**асарни эълон қилиш ҳуқуқига**) эгадир (Кодекснинг 1055-, олдинги таърирдаги Қонуннинг 21-моддаси).

Асарни нашр қилиш омма олдида ижро этиш, оммага намоиш этиш йули билан ёки бошқа тарзда оммавийлаштириш орқали муаллиф томонидан ёки унинг розилиги билан аниқ бўлмаган доирадаги шахсларнинг асардан фойдаланиш учун биринчи бор имкон яратиб берилса, асар эълон қилинган ҳисобланади.

Муаллиф асарни эълон қилиш тўғрисида илгари қабул қилган қарорида асардан фойдаланиш ҳуқуқини олган шахсларга улар шундай қарор туфайли кўрган зарарнинг ўрнини, шу жумладан олмай қолган фойдани қоплаш шарти билан воз кечиш ҳуқуқи (**асарни чақириб олиш ҳуқуқи**)га эгадир. Агарда асар эълон қилинган бўлса, муаллиф ўз асарини чақириб олганлигини оммага маълум қилиши шарт. Бунда муаллиф асарнинг аввал тайёрлаб қўйилган нусхаларини ўз ҳисобидан муомаладан олиб қўйишга ҳақлидир. Бу қоидалар, башарти муаллиф билан тузилган шартномада бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса хизмат асарларига ҳам тадбиқ этилади. Янги таҳрирдаги Қонунда асарни эълон қилиш ҳуқуқи чиқариб ташланган бўлиб, асарни ошкор қилишга бўлган ҳуқуқ шахсий номулкий ҳуқуқлар қаторига киритилган.

Қонуннинг 19-моддасида берилмаган бўлса-да, аммо мавжуд бўлган Муаллифнинг асардан фойдаланиш ҳуқуқи ўзида бир қатор шахсий мулкӣ ҳуқуқларни бирлаштиради. **Бунда ҳам муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда алоҳида ҳуқуқларга эга бўлади.**

Асарни такрорлаш ва уни тарқатиш, бошқа йуллар билан реализация қилиш, хусусан:

-асарни омма олдида намоиш этиш (кўргазмага қўйиш, экспонат сифатида кўрасатиш);

-асарнинг моддий жисмини ташкил этувчи нусхасини ижарага бериш;

-асарни омма олдида ижро этиш;

-асарни эфирга узатиш (радио ёки телевидение орқали трансляция қилиш) асарни кабелқ ёки алоқа (сунъий) йулдоши орқали бериш;

-асарни техника ёрдамида ёзиб олиш;

-асарни техникавий ёзувини эшиттириш ёки кўрсатиш, шу жумладан радио ёки телевидение орқали;

-асарни кейинчалик фойдаланиш мақсадида уни таржима қилиш ёки қайта ишлаш;

-шаҳарсозлик, архитектура, дизайн лойиҳасини амалий рўёбга чиқириш асардан фойдаланиш ҳисобланади.

Асарни такрорлаш дейилганда, асар нусхаларини сотиш, алмаштириш, ижарага бериш ёки улар иштироқида бошқа амаллар (ҳаракатларни) бажариш, шу жумладан уларни импорт қилиш англанади.

Асардан даромад (фойда) олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъий назар, асар фойдаланилган деб ҳисобланади.

Муаллиф вафотидан кейин муаллиф номи, муаллифлик ҳуқуқи, асарнинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш васиятномада кўрсатилган шахс томонидан, бундай кўрсатма бўлмаган тақдирда эса муаллифнинг меросхўрлари, шунингдек Қонунга мувофиқ ўз зиммасига муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юклатилган шахслар томонидан амалга оширилади.

Муаллиф ёки ҳуқуққа эга бўлган бошқа шахс шартномага, шу жумладан очик савдода тузилган шартномага биноан асардан фойдаланиш борасидаги барча ҳуқуқларини ўзга шахсга бериши (фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиши) мумкин. Асардан фойдаланиш ҳуқуқи бир шахсдан бошқа шахсга универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ўтади.

Асардан фойдаланиш ҳуқуқини тасарруф этишда (Кодекснинг 1057-моддаси) ҳуқуқ эгаси бошқа шахсга муайян доирада фойдаланиш учун рухсатнома (лицензия) бериши мумкин. Бундай рухсатнома асардан унинг

дастлабки шаклда фойдаланиш учун ҳам қайта ишланган шаклда, хусусан таржима, аранжировка тарзида ва шу каби усулларда фойдаланиш учун ҳам талаб қилинади. Асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун ҳуқуқ эгасининг махсус рухсатномаси талаб қилинади.

Юқоридаги кўрсатилган муаллифнинг шахсий номулкий ва мулкӣ ҳуқуқларига оид барча қонуний талаблар хизматга доир яратилган асарлар ёки бир неча муаллифлар (ҳаммуаллифликда) томонидан яратилган асарларга ҳам бирдек тадбиқ этилади. Бунда асар бир бутунни ташкил этиш ёки ҳосила асар эканлиги аҳамиятга эга эмас.

Ҳар қайси муаллиф асарнинг ўзи томонидан яратилган мустақил аҳамият касб этган қисмини, агарда улар ўртасида бошқача келишув кўзда тутилмаган бўлса, ўз хоҳишидек фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Шахсий номулкий ҳуқуқлар муаллифга унинг мулкӣ ҳуқуқларидан қатъий назар тегишли бўлади ва асардан фойдаланишда алоҳида ҳуқуқларга йул қўйилгандан сўнг ҳам унда сақланиб қолади.

Кодекснинг 1050-, Қонуннинг 11-моддаларига кўра, Мутлақ **муаллифлик ҳуқуқлари эгаси ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиш учун** муаллифлик ҳуқуқининг муҳофаза белгисидан фойдаланиши мумкин бўлиб, бу белги асарнинг ҳар бир нусхасида акс эттирилади ва қуйидаги уч унсурдан иборат бўлади:

айлана ичидаги лотинча «С» ҳарфи;

мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг исми-шарифи (номи);

асар биринчи марта чоп этилган йил.

Муаллифлик ҳуқуқининг муҳофаза белгисида кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланган бўлмаса, мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгаси ҳисобланади.

Ўзга далиллар бўлмаган тақдирда асарнинг асли ёки нусхасида кўрсатилган муаллиф шу асарнинг муаллифи ҳисобланади. Асарнинг номсиз ёки таҳаллус билан эълон қилинишда (муаллиф таҳаллуси унинг шахсига шубҳа туғдирмаса) ношир ўзга далиллар бўлмаган тақдирда, асарда исми ёки

номи кўрсатилган муаллифнинг вакили ҳисобланади, ҳамда муаллиф ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва уни амалга оширишни таъминлаш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу қоида муаллиф ўз шахсини ва асарга муаллифлик ҳуқуқини эълон қилмагунича ҳаракатда бўлади.

Муаллифлик ҳуқуқи амал қилиш соҳасига кўра:

- муаллифларнинг ва уларнинг ҳуқуқий ворисларининг фуқаролигидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эълон қилинган ёки бирон-бир объектив шаклда бўлган асарларга тадбиқ қилинади;

- Ўзбекистон республикаси сарҳадларидан ташқарида эълон қилинган ёки бирон-бир объектив шаклда бўлган асарларга тадбиқ қилинади ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган муаллифларга (уларнинг ҳуқуқий ворисларига) тегишли деб тан олинади.

Ўзбекистон Республикаси сарҳадларидан ташқарида эълон қилинган ёки бирон-бир объектив шаклда бўлган асарларга тадбиқ қилинади ҳамда давлатларнинг фуқароси бўлган муаллифларга (уларнинг ҳуқуқий ворисларига) тегишли деб олинади. Бу норма Конвенция ва халқаро шартномаларда “миллий режим” нормаси деб ўрнатилган. Агарда, Ўзбекистон бирон-бир Конвенцияга аъзо бўлиб қўшилса, ўша кундан эътиборан республикада хорижий муаллифлар ҳуқуқлари ва асарлари ҳимоясига киришилади.

Башарти, асар Ўзбекистон Республикаси сарҳадларидан ташқарида биринчи марта эълон қилинган кундан сўнг ўттиз кун ичида Ўзбекистон Республикаси да эълон қилинган деб ҳисобланади.

Асар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон республикасининг халқаро шартномалрига мувофиқ қўлланилиши лозим бўлса, унинг муаллифи ҳудудида муаллифлик ҳуқуқини олиш учун асос бўлиб хизмат қилган юридик факт содир бўлган давлатнинг қонуни билан аниқланади.

Асардан фойдаланиш ҳуқуқи бир шахсдан бошқа шахсга универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ўтади. Ҳуқуқ эгаси бошқа шахсга асардан муайян

доирада фойдаланиш учун рухсатнома (лицензия) бериши мумкин. Бундай рухсатнома асардан унинг дастлабки шаклида фойдаланиш учун ҳам, қайта ишланган шаклида, хусусан таржима, аранжировка тарзида ва шу каби усулларда фойдаланиш учун ҳам талаб қилинади. Асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули ҳуқуқ эгасининг махсус рухсатномаси талаб қилинади.

Икки ёки ундан фуқаронинг биргаликдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи, мазкур асар бўлинмас бир бутун ёки ҳар бири ҳам мустақил мазмунга эга қисмлардан иборат эканлигидан қатъий назар, ҳаммуаллифларга биргаликда тегишли бўлади. Агарда, асарнинг муайян қисмидан унинг бошқа қисмларга боғлиқ бўлмаган ҳолда фойдаланиш мумкин бўлса, бу мустақил мазмунга эга бўлган қисм деб эътироф этилади.

Ҳаммуаллифларнинг ҳар бири, башарти уларнинг ўртасидаги келишувда ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, асарнинг ўзи яратган, мустақил мазмунга эга бўлган қисмидан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга ҳақли бўлади. Ҳаммуалифлар ўртасидаги муносабатлар, қоида тариқасида келишув бўлмаган тақдирда асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи барча муаллифлар томонидан биргаликда амалга оширилади, муаллифлик ҳақи эса улар ўртасида тенг тақсимланади.

Шунингдек, агарда ҳаммуаллифларнинг асари бўлинмас бир бутунни ташкил этса, асардан фойдаланишни етарли асослар бўлмай туриб тақиклаб қўйишга ҳаммуаллифлардан ҳеч бири ҳақли эмас. Ҳаммуаллифлардан бири олдинроқ вафот этса, бу қоидага риоя этиш вафот этган муаллифнинг меросхўрлари зиммасида бўлади. Ўзлон қилинган, чоп этилган асар учун тегишли муаллифлик ҳақи меросхўрларга тегишли бўлади.

Амалда бир қатор турдаги асарларни яратувчилар ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққанлиги, тегишли муаллифлик ҳақларини тақсимлашда тегишли қийинчиликлар туғилганлиги сабабли айрим турдаги асарларга муаллифлик қонунининг ўзида белгиланади. Масалан,

қонунчиликда янги моддалар фильм муаллифлари, ҳосила асарларнинг муаллифлари, интервкю муаллифлари кабилар белгиланади.

Қонуннинг 15-моддасига кўра, аудиовизуал асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи берилган бўлиб, аудиовизуал асар муаллифлари (хаммуаллифлари) қуйидагилардан иборатдир:

сахналаштирувчи режиссёр;

сценарий муаллифи;

муайян аудиовизуал асар учун махсус яратилган матнли ёки матнсиз мусиқа асари муаллифи;

сахналаштирувчи оператор;

сахналаштирувчи рассом.

Номи ёки исми-шарифи тайёрловчи сифатида асарнинг асл нусхасида ёхуд нусхасида кўрсатилган юридик ёки жисмоний шахс, агар бошқача ҳол исботланган бўлмаса, шу аудиовизуал асарни тайёрловчи деб эътироф этилади.

Аудиовизуал асар омма олдида ижро этилган тақдирда, мусиқа асари (матнли ёки матнсиз) муаллифи ўз мусиқа асарининг омма олдида ижро этилганлиги учун ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Қонуннинг бу моддасига киритилган сахналаштирувчи оператор янги турдаги муаллиф ҳисобланади. Олимларнинг таъкидлашича, оператор фильмни суръатга олиш жараёнида асар тариқасида ижодий режа ва усуллар тузади, суратга олишда ижодий, интеллектуал ёндошади. Фильм яратилишида операторнинг ҳиссаси сахналаштирувчи режиссёрникидан кам эмас. Оператор табиат кўринишлари, алоҳида эпизодларни ўзи танлайди, ижодкор сифатида фильмга янги йўналишда ҳаётийлик бағишлайди. Қозоғистон, Россия Федерацияси ва бошқа давлатлар қонунчилигида сахналаштирувчи оператор муаллиф сифатида тан олинмаган. У фақат техник ходим сифатида баҳоланган.

Қонуннинг 13-моддасида ҳосила асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи берилган бўлиб, ҳосила асар муаллифига фан, адабиёт ва санъат

асарининг мазкур муаллиф томонидан амалга оширилган қайта ишланмасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи тегишлидир.

Ҳосила асар муаллифи қайта ишланган асар муаллифи ҳуқуқларига риоя этган тақдирда, ўзи яратган асарга муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади.

Ҳосила асар муаллифининг муаллифлик ҳуқуқи қайта ишлашга асос бўлган асарни бошқа шахслар ҳам ўзлари қайта ишлашларига тўсқинлик қилмайди.

Бошқа асарларни қайта ишлаган шахслар, таржимонлар, тўпламлар ва бошқа жамлама асарларнинг тузувчилари ҳосила асарларнинг муаллифлари деб эътироф этилади. Ҳосила асарларнинг муаллифи қайта ишланган, таржима қилинган ёки жамлама асарга киритилган асар муаллифларининг ҳуқуқларига риоя этган тақдирдагина ҳосила асарларга бўлган муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади.

Ҳосила асарлар яратувчиларининг муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг муқаддам фойдаланилган асарлар асосида ўз ҳосила асарларини яратишларига тўсқинлик қилмайди.

Интервьюга бўлган муаллифлик ҳуқуқи интервью берган шахсга ва интервью олган шахсга, агар улар ўртасидаги келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ҳаммуаллифлар сифатида тегишлидир.

Интервьюдан фойдаланишга фақат интервью берган шахснинг розилиги билан йўл қўйилади. (Қонуннинг 16-моддаси)

Бошқа асарнинг муаллифи ва таржимони ўзлари томонидан яратилган асарлари учун асари таржима қилинган, қайта тузилган, аранжировка ёки бошқа қайта ишлов берилган муаллифларнинг ҳуқуқларини сақлаганда муаллифлик ҳуқуқларига эга бўладилар.

Муаллифлик ҳуқуқи амал қилишининг бошланиши деганда, асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи чоп этилганлиги ёки этилмаганлигидан қатъий назар, асарга учинчи шахслар иштирок эта оладиган объектив шакл берилган вақтдан бошлаб амал қилишга тушунилади Қонуннинг 35, Кодекснинг 1064-

моддалари). Оғзаки асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи бу асар учинчи шахсларга маълум қилинган вақтдан бошлаб амал қилади. Муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва муаллиф вафотидан кейин у вафот этган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан эллик йил давомида амал қилади.

Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узоқ умр кўрган шахс (муаллиф) вафот этганидан кейин эллик йил давомида амал қилади. Бунда биринчи вафот этган муаллифнинг ҳимоя муддати у вафот этган кундан бошлаб, эллик йилдан ортиқ вақт ўтгани аҳамиятга эга эмас. Вафот этган биринчи муаллифнинг меросхўрлари энг охири вафот этган муаллиф учун вафотидан белгиланган эллик йиллик ҳимоя муддати давомида тегишли ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Давлат ижтимоий мулкка айланган асарларнинг назоратини олиб боради. Алоҳида ҳолларда эса, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш муддат ўтмасдан туриб, давлат асарни сотиб олиши ва ҳукумат қарори билан ижтимоий мулк деб эълон қилиши ҳам мумкин. Давлат томонидан сотиб олинган асарлар давлат томонидан тасарруф этилади.

Маълумки асарлар бошқа шахслар (жисмоний ва юридик)нинг талаби ёки ташаббусига кўра ҳам яратилиши мумкин. Ана шундай ҳолларда асарлар яратилишини ташкил этувчи шахсларнинг ҳам алоҳида ҳуқуқлари пайдо бўлади. Қонуннинг 17-моддасида асар яратишни ташкил этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари қуйидагича берилади:

Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахслар (аудиовизуал асарларни тайёрловчилар, энциклопедиялар ноширлари, продюсерлар ва бошқа шу кабилар) тегишли асарларнинг муаллифлари деб эътироф этилмайди. Бироқ ушбу Қонунда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда, бундай шахслар ана шу асарлардан фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга бўладилар.

Аудиовизуал асарни тайёрловчи бу асардан фойдаланилганда ўз исми-шарифи ёки номини кўрсатишга ёхуд исми-шарифи ёки номи кўрсатилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Энциклопедиялар, энциклопедик луғатлардан, илмий ишларнинг даврий ва давомли тўпламларидан, газеталар, журналлар ҳамда бошқа даврий нашрлардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар уларнинг ноширига тегишлидир. Бундай нашрлардан ҳар қандай тарзда фойдаланилганда ношир ўз исми-шарифи ёки номини кўрсатишга ёхуд исми-шарифи ёки номи кўрсатилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Амалдаги қонунчиликка кўра, асарлар яратилишининг ташкил этувчи шахслар тегишли асарлар муаллифлари деб тан олинарди. Қонун ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда, бундай шахслар шу асарлардан фойдаланишда алоҳида ҳуқуқларга эга бўладилар, деб дейилган эди. Асар яратилишини ташкил этувчи шахслар жумласига энциклопедия нашрлари, фильм тайёрловчилари, продюсерлар, илмий-текшириш институтлари ва бошқалар бўлиши мумкин;

энциклопедиядан, энциклопедик луғатлардан, илмий ишларнинг даврий ва давомли тўпламларидан, газеталар, журналлар ва бошқа даврий нашрлардан фойдаланишнинг алоҳида ҳуқуқлари уларни нашр этувчи шахсларга тегишли бўлади. Бундай нашрдан ҳар қандай тарзда фойдаланилганда ҳам ношир ўз номини кўрсатишга ёки номини кўрсатилишини талаб қилишга ҳақли бўлади;

бундай нашрларга киритилган асарларнинг муаллифлари, агарда асар яратишга доир шартномада ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлмаса, тўлиқ нашрдан қатъий назар, ўз асарларидан фойдаланишга бўлган алоҳида ҳуқуқларини сақлаб қоладилар;

аудиовизуал асар, шу жумладан фильм яратиш хусусида шартнома тузиш, агарда бундай шартномада ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, мазкур асар муаллифларининг асарни такрорлашга, уни тарқатишга, омма олдида ижро этишга, омманинг эътиборига етказиш учун кабелқ орқали

беришга, эфирга узатишга ёки асардан бошқа ҳар қандай тарзда оммавий фойдаланишга, фильм матнини субтитрлаш ва дубляж қилишга бўлган алоҳида ҳуқуқларининг асарни тайёрловчига ўтишига олиб келмайди. Бу ҳуқуқлар аудиовизуал асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати давомида амал қилади.

Фильм тайёрловчиси асардан ҳар қандай тарзда фойдаланилганда ҳам ўз исми-шарифи ёки номини кўрсатишга талаб қилишга ҳақлидир. Фильм омма олдида намойиш этилганида мусика асарининг муаллифи ўзининг мусика асари омма олдида ижро этилгани учун тегишли ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Асарга киритилган мусика асари матнли ёки матнсиз бўлиши мумкин. Фильм муаллифи ва фильмга бўлган ҳуқуқнинг бошқа эгалари розилигисиз филмнинг охириги вариантини (ёзувнинг асл нусхасини) йўқ қилиб юбориш тақиқланади. Асар яратилишини ташкил этувчи бошқа шахслар ҳам юқорида кўрсатилган алоҳида ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Бу қоидалар асарларни таржима қилишда ҳам тадбиқ этилади.

Бегона асарларни шахсий манфаатларда такрорлашга, чоп этилган бегона асардан муаллифнинг розилигисиз ва муаллифлик ҳақини тўламаган ҳолда шахсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилади. Лекин бунда асардан нормал фойдаланишига зиён етмайдиган ва муаллифнинг қонуний манфаатларига путур етмаслиги лозим.

Муаллифлик ҳуқуқларининг чекланишларидан яна бири бу ҳамма бемалол бора оладиган жойларда доимий жойлашган асарлардан эркин фойдаланишдир.

Ҳамма бемалол бора оладиган жойларда жойлашган архитектура, фотография, тасвирий санъат асарларини муаллифнинг розилигисиз ва муаллифлик ҳақи бўлмаган ҳолда такрорлаш (фойдаланиш), эфирга узатишга ёки ҳамманинг эътиборига етказиш учун кабель орқали кўрсатишга йўл қўйилади.

Бу қоида асарнинг тасвири шундай такрорлашнинг, эфирга узатишнинг ёки ҳамманинг эътиборига етказиш учун кабель орқали

узатишнинг асосий объекти бўлган ҳолларга нисбатан, шунингдек асарнинг ифодасидан тижорат мақсадларида фойдаланиладиган ҳолларга нисбатан, тадбиқ этилмайди.

Қонуннинг 29-моддасига кўра, чоп этилган мусика асарларини расмий, диний ва дафн маросимларида бундай маросимларнинг хусусиятига мос ҳажмда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ҳамда ҳақ тўламаган ҳолда омма олдида ижро этишга йўл қўйилади.

Қонунчиликка кўра, шунингдек асарлардан суриштирув, дастлабки тергов, маъмурий ва судлов ишларини юритиш мақсадларини кўзлаб, фойдаланиш мақсадига мос ҳажмда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ҳамда ҳақ тўламаган ҳолда фойдаланишга йўл қўйилади. Турдош ҳуқуқлар субъектлари доирасида ҳам асарлардан эркин фойдаланишга йўл қўйилади.

Эфир орқали кўрсатув ва эшиттиришлар берувчи ташкилот ўзи эфирга узатиш ҳуқуқини олган асарни муаллифлик ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва қўшимча ҳақ тўламаган ҳолда қисқа муддат фойдаланиш мақсадида ёзиб олишга ҳақли. Бунда эфир орқали кўрсатув ва эшиттиришлар берувчи ташкилотлар ёзувни ўз ускуналари ёрдамида ҳамда ўз кўрсатув ва эшиттиришлари учун амалга ошириши шарт.

Қонун талабига кўра, бундай ёзувни сақлаб туришнинг узоқроқ муддати муаллиф билан келишилган бўлмаса, у тайёрлаганидан кейин олти ой ичида йўқ қилиб ташланиши лозим. Агарда бу ёзув бутунлай ҳужжатли руҳда бўлса, у асар муаллифнинг розилигисиз расмий архивларда сақлаш учун олиниши мумкин.

Эфир орқали кўрсатув ва эшиттиришлар берувчи ташкилотлар томонидан асарларни қисқа муддат фойдаланишда тижорат ёки реклама мақсадларида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

ЭҲМ учун дастурнинг ёки нусҳасига эгалик ҳуқуқи бўлган шахс муаллиф розилигини олмасдан ва тегишли ҳақ тўламасдан қуйидагиларни амалга оширишга йўл қўйилади:

фойдаланувчининг техника воситалари ЭХМ учун дастур ёки маълумотлар йиғиндисига фақатгина унинг ишлаб чиқариш мақсадида ўзгартишлар киритиш, ЭХМ ва маълумотлар йиғиндиси учун дастурнинг ишлаб чиқариш учун унинг ишлаш қобилиятига мувофиқ бўлган исталган ишларни , жумладан ЭХМ хотирасига ёзиб олиш, сақлаш ҳамда хатоларни тузатиш, амалга ошириш, ЭХМ хотирасига ёзиб олиш ёки сақлаш битта ЭХМ га тармоқдаги битта фойдаланувчига нисбатан, агар муаллиф билан тузилган шартномада бошқача ҳол кўзда тутилмаган бўлса рухсат этилади;

ЭХМ учун дастур ёки маълумотлар йиғиндисининг нусхасини агарда фақат архив (хужжатхона)да сақлаш ва худди шундай олинган нусха ЭХМ учун дастур ёки маълумотлар йиғиндисининг асли йўқолганда, йўқ қилинган ҳамда фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолганда алмаштириш учун тайёрлашга рухсат этилади. Бундай ҳолларда ЭХМ учун дастур ёки маълумотлар йиғиндиси нусхаси бошқа мақсадларда юқорида кўрсатилгандек ташқарида фойдаланиш мумкин эмас, ЭХМ учун дастур ва маълумотлар йиғиндисидан фойдаланишда давом этилса қонунийлигини йўқотади ва йўқ қилиб ташлаш керак.

ЭХМ учун дастур нусхасига эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган шахс муаллиф розилигисиз ва тегишли ҳақ тўламасдан матндаги объект кодни бошланғич матнга алмаштиришга ЭХМ дастури тизимини ва кодлаштиришни ўрнатаётганда қуйидаги шарт-шароитларда йўл қўйилади:

ЭХМ учун ишлаб чиқилган дастурнинг бошқа дастурлардан мустасно, ўзаро ҳамкорлик ҳаракатига эришиш учун зарур бўлган маълумот олдиндан бошқача усулда оширилиши мумкин эмас;

кўрсатилган ҳаракатлар шундай ўзаро ҳамкорликка эришиш учун зарур бўлган ЭХМ учун дастур қисмларни олиш (кўчириш) билан чекланади;

Шуни айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январдаги ЎРҚ-79-сонли Қонуни билан Фуқаролик кодексининг 1052 (Муаллифлик ҳуқуқи), 1053 (Муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ), 1054 (Асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ), 1055 (Асарни эълон қилиш ҳуқуқи),

Асардан фойдаланиш ҳуқуқини тасарруф этиш), 1064 (Муаллифлик ҳуқуқи амал қилишининг бошланиши) ва турдош ҳуқуқларга оид бўлган 1071, 1072 моддалари чиқариб ташланди; 1056 (Муаллифнинг асардан фойдаланиш ҳуқуқи → Муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқлари) ва бошқа бир қатор моддалар ўзгартирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2016 йил 20 январь куни “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида” ги қонунга имзо чекди. Унга кўра, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлари, интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқ эгасининг ҳимояси билан боғлиқ бўлган янги тартиб киритилган. Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича чоралар қўлланилиши тўғрисида қарор қабул қилинган интеллектуал мулк объектлари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритилади.

2.2. Мавзу юзасидан кейслар тўплами, амалий топшириқлар, ишланмалар.

2017-2018 ўқув йили учун “Муаллифлик ҳуқуқи” фанининг “Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш” мавзусидан казуслар:

1-казус

Маълум бир жанрда ижод қиладиган М.П. таҳаллусли рассом ўз асарини яратганидан сўнг машҳур бир галерея билан келишиб, асарини намойиш этишга келишди. Асарни галереяда намойиш этишдан илгари рассомдан ўз асарининг олди ёки орқа томонидан исми-шарифи ёки таҳаллусини ёзишни суради. Рассом эса шундоқ намойиш этаверинглар, келишув битимида бу ҳақда умуман ҳеч нарса дейилмаган-ку деган важлар келтирмоқда.

Ушбу масалада ким ҳақ, рассомми ёки галерея ташкилотчиларими? Қайси қонун билан тартибга солинади? Умуман, муаллифнинг бу ҳақдаги ҳуқуқлари қайси ҳуқуқлар турига киради?

2-казус

Таълим муассасида таҳсил олаётган ёш хаваскор рассомнинг олдига оммавий ахборот васиталари ходими келиб, бизлар 26 апрел Халқаро Интеллетуал Мулк кунига бағишлаб, танлов эълон қилганмиз. Шу муносабат билан ўз асарларингиздан фотосуратлар олиб, ОАВ орқали нашр эттирайлик. Танлов ғолиби бўлсангиз 400.000 сўмлик мукофот пули бор, деб асарлардан нусхалар олиб кетилди. Нашриётда рассом асарларининг ранги ўзгартирилган. Рассом ғолиб, деб топилган.

Ушбу вазиятда рассомнинг ҳуқуқлари бузилганми? Қайси қонун билан тартибга солинади. Умуман, муаллифнинг бу ҳақдаги ҳуқуқлари қайси ҳуқуқлар турига киради?

3-казус

О.Х исмли китоб графикаси йўналишида ижод қиладиган рассом халқ оғзаки ижодиёти асарига ва болалар ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг асарига алоҳида-алоҳида суратли ҳикоялар чизиб, уларни нашриётда кўпайтириб, Солнечный бозорида жойлашган дўкон сотувчиларга сотиш учун топширди. Бир ҳафтадан сўнг Ҳуқуқ Эгалари Палатаси мутахассислари келиб, асарларни мусадара қилишни сураб, солиқ назорати ходимлари билан бозор маъмуриятига муражаат этишди. Ва рассомнинг барча асарлари мусодара этилди. Рассом дукон сотувчиларидан 2 ҳафтадан сўнг хабар олганда, сотилган асарларнинг пулини олиш учун, сотувчилар асарлар мусодара қилинганлигини, ўзлари ҳам жавобгар бўлиб қолаётганлигини айтдилар.

*Рассомнинг ушбу вазиятдаги ҳаракатига баҳо беринг?
Нашриётчининг ҳаракатларига баҳо беринг? Сотувчилар ҳақми?*

4-казус

С.Э. исмли муаллиф бадиий асар ёзиб, уни нашриётда кўпайтириб, савдо расталарига топширди. Асар савдо шаҳобчаларига қўйилди. Шунда муаллиф асарларини савдо расталаридан номаълум сабабларга кўра, олиб қўймоқчи. Савдо расталари ходимлари, яъни сотувчилар асар яхши сотилаяпти. Бизлар яна буюртма бермоқчийдик, деяптилар. Муаллиф эса, йўқ асарларимни қайтариб берингизлар, деб кўнмаяпти.

Ушбу вазиятда ким ҳақ? Қайси қонун билан тартибга солинади?

5-казус

Дизайн интерьерлари йўналишида ижод этадиган муаллиф балалар боғчасининг макетини яратди. Бу асари билан бакалавр диссертациясини ҳимоя қилиб, олий таълим муассасасидан дипломини олди. Орадан 4 йил ўтиб ўз асарининг амалий рўёбга чиққанлигини Тошкент шаҳрининг кучаларидан

бирида кўриб қолди. Ва ўз ҳуқуқлари бузилган деб, бирон бир мутасадди ташкилотга мурожаат этмоқчи.

Ушбу вазиятда муаллиф қаерга мурожаат этади? Унинг мурожаати ўринли-ми? Норматив ҳужжатлар билан асосланг?

6-казус

Машхур хайкалтарош ўзи ясаган хайкалини Тошкент шаҳрининг хиёбонларидан бирига жойлаштирди, яъни ўрнатди. Бу хайкални бир рассом кўриб, ундан намуна олиб сурат чизиб, уни сотиб пул ишляпти. Хайкалтарош буни билиб қолиб, рассомдан пул талаб қилган. Рассом пул тўламаганлиги сабабли хайкалтарош уни судга берган.

Қайси суд бундай низоларни кўриб чиқади? Суднинг ҳал қилув қарори қандай бўлади? Таритбга соладиган қонун моддасининг маъмунини шархланг?

7-казус

Театр беағи ранг-тасвири йўналишида фаолият юритадиган муаллиф 1939-1945 йилларда бўлиб ўтган II Жаҳон Уруши мавзусига бағишлаб ноъмалум аскарга атаб хайкал яратган. Сўнг муаллиф театрдан кетган. Орадан бир неча йил ўтиб, муаллиф ўз асарини қишлоқ марказларидан бирида ўрнатилганлигини билиб олган. Турмуш қураётган йигит-қизлар ЗАГС масросимида шу хайкал енида суратга тушар экан.

Буни кўрган муаллиф театр жамоасини ҳам, қишлоқ маркази мутасадди ташкилоти Қишлоқ фуқаролар йиғинини ҳам судга берган.

Ушбу вазиятда муаллифнинг ҳаракатлари тўғрими? Асар қандай асарлар турига киради? Муаллифнинг шахсий – номулкий ва мулкый ҳуқуқлари мисолида тушунтиринг?

8-казус

Тошкентдаги машхур туй либосларини сотувчи ва ижарага берувчи фирма эгаси товар белгиси эгасини судга берган. Даъвогар менинг фирмам

номи товар белгиси билан бир хил деб, жавобгарни товар белгисидан воз кечиш таклифини билдирган. Жавобгар товар белгисини мен олдин олганман деб, рад жавобини бераяпти. Давогарда товар белгиси олинган санадан олдинги видео роликлар (улар телевидение орқали реклама қилинган) мавжуд.

Даъвогарнинг талаби тўғрими? Муаллифлик ҳуқуқи билан қайси ҳуқуқ тўқнашади?

9-казус

Бир хайкалтарош ўзи ясаган асарини шартнома тузиб иншоотнинг ичига ўрнатган. Бу хайкални бир рассом кўриб, ундан намуна олиб сурат чизиб, уни сотиб пул ишляпти. Хайкалтарош буни билиб қолиб, рассомдан пул талаб килган. Рассом пул тўламаганлиги сабабли хайкалтарош уни судга берган.

Қайси суд бундай низоларни кўриб чиқади? Суднинг ҳал қилув қарори қандай бўлади? Таритбга соладиган қонун моддасининг маъмунини шархланг?

10-казус

Дафтар сотиб олганимизда унинг олди ёки орқа томонида, яъни муқовасида баъзан давлатимиз рамзи бўлган герб, байроқнинг сўратини кўрамиз.

Шу рамзларни дафтар муқовасида қўллаш тўғрими? Жавобингизни асослаб беринг?

**“Муаллифлик ҳуқуқи” фанидан амалий машғулотлар учун
ишланма:**

	Амалий машғулот мавзусининг номи ва режаси	Адабиётлар
	Ўзбекистон Республикаси муаллифлик ҳуқуқи қонунчилигининг хусусиятлари. 1. Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқи қонунчилиги асослари 2. Миллий қонунчилик тизими 3. Миллий қонунчиликнинг халқаро ҳуқуқий манбалар билан алоқадолиги. 4. Миллий қонунчиликни ривожлантириш йўллари	4.1.:1-14; 4.2.: 1,4-11,18,23,24; 4.3.:1-3,8,12,17; 4.4.:1,13,14,15; 4.5.:1-5; 4.6.:1-8.
	Муаллифлик ҳуқуқининг объектлари ва субъектлари. 1. Муаллифлик ҳуқуқининг объектлари ва турлари 2. Муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинадиган объектлар 3. Муаллифлик ҳуқуқининг субъектлари ва уларнинг ҳуқуқи мақоми 4. Муаллифлик ҳуқуқи субъектлари ҳуқуқларидан фойдаланувчи шахслар.	4.1.:1-14; 4.2.: 1,4-11,14; 4.3.:1-3,8,12,17; 4.4.:1,10,12; 4.5.:1-5; 4.6.:1-8.
	Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш. 1. Муаллифлар шахсий ҳуқуқлар тизими. 2. Муаллифларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари 3. Муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқларининг турлари 4. Муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини бошқаларга ўтказиш тартиби	4.1.:1-14; 4.2.: 1,4-11,19,29; 4.3.:1-3,8,12,17; 4.4.:1,10,12; 4.5.:1-5; 4.6.:1-8.

.	Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг шакл ва усуллари. 1. Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг белгилари 2. Муаллифлик шартномаси ва унинг хусусиятлари 3. Муаллифлик буюртма шартномаси 4. Лицензия шартномалари.	4.1.:1-14; 4.2.: 1,4-11,16,17,21; 4.3.:1-3,6,8,12,13; 4.4.:1,9,13; 4.5.:1-5; 4.6.:1-8.
.	Муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини бошқариш. 1. Муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларни бошқариш тушунчаси 2. Муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини бошқариш ташкилотларни тузиш тартиби 3. Мулкӣ ҳуқуқларни бошқарувчи ташкилотларнинг ҳаплқаро ҳамкорлиги Мулки ҳуқуқларни бошқарувчи ташкилотнинг ҳуқуқлари	4.1.:1-14; 4.2.: 1,4-11,23,24; 4.3.:1-3,8,12,17; 4.4.:1,13,14,15; 4.5.:1-5; 4.6.:1-8.

Мавзу бўйича амалий топшириқлар

1. Асарнинг ижтимоӣ мулкка айланиши ва унинг кейинги ҳимоя этилиши.
2. Асарнинг ижросини ёзиб олишга бўлган ҳуқуқ.
3. Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш муддатлари.
4. Теле-радио органларининг асарларга нисбатан бўлган ҳуқуқлари.
5. Ноширлик фаолиятида муаллифлик ҳуқуқига риоя этиш тартиби.
6. Асарлардан эркин фойдаланиш тартиби.
7. Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари.

8. Муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқлари.
9. Муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини тиклаш йўллари.
10. Эргашма ҳуқуқ тушунчаси.
11. Ўтиш ҳуқуқи тушунчаси.
12. Репродуктив такрорлаш ҳуқуқи.
13. Муаллифлик ҳуқуқларини ўзгаларга ўтказиш тартиби.
14. Муаллифлар ҳуқуқларининг дахлсизлиги ва ҳимоя қилиш муддатлари.
15. Асарлардан эркин фойдаланиш тартиби.
16. Адабий ва бадиий асарларни ҳимоя қилиш ҳақидаги Берн конвенциясида муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқлари ҳимояси муддатлари.
17. Муаллифлик ҳуқуқига оид Бутунжаҳон Женева конвенциясида муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқлари ҳимояси муддатлари.
18. Миллий тартиб тамойили тушунчаси
19. Плагиат тушунчаси.
20. Контрофак тушунчаси

2.3 Назорат топшириқлари ва мустақил таълим юзасидан кўрсатмалар.

Мавзу юзасидан тест топшириқлари

1. Интервьюдан фойдаланишга кимнинг розилиги билан йўл қўйилади?

- А. Интервью берган шахснинг
- Б. Операторнинг
- В. Рассомнинг
- Г. Халқнинг

2. Қандай таржима асар муаллифлик ҳуқуқининг объекти бўлади?

- А. Чет тилини мукаммал билган шахс таржима қилган бўлса
- Б. Олий маълумотга эга бўлган шахс асарни таржима қилган бўлса
- В. Таржима қилиш жараёнига ижодий ёндашилган бўлса
- Г. Ҳар қандай таржима объект бўлади

3. Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари бошқа шахсларга бериладими?

- А. Берилмайди
- Б. Берилади
- В. Муаллиф хохишига боғлиқ
- Г. Сотиб олувчига боғлиқ

4. Муаллиф қайси ҳуқуқларини бошқа шахсларга ўтказиши, бериши, сотиши мумкин?

- А. муаллифлик номига бўлган ҳуқуқни
- Б. номулкий ҳуқуқларини

- В. мулкый ҳуқуқларини
- Г. мулкый ва номулкый ҳуқуқларини

5. Қуйидагилардан муаллифларга тегишли шахсий мулкый ҳуқуқларни кўрсатинг?

- А. асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ
- Б. муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ
- В. Муаллиф деб эътироф этиш ҳуқуқи
- Г. таржима қилиш ҳуқуқи

6. Қуйидагилардан муаллифларга тегишли шахсий мулкый ҳуқуқларни кўрсатинг?

- А. асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ
- Б. муаллифлик ҳуқуқи
- В. асар обрўсига бўлган ҳуқуқ
- Г. тарқатиш ҳуқуқи

7. Қуйидагилардан муаллифларга тегишли шахсий мулкый ҳуқуқларни кўрсатинг?

- А. асарни намоиш этиш ҳуқуқи
- Б. муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ
- В. асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ
- Г. муаллифлик ҳуқуқи

8. Муаллифларнинг шахсий номулкый ҳуқуқини кўрсатинг?

- А. асарни тарқатиш ҳуқуқи
- Б. муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ
- В. намоиш этиш ҳуқуқи
- Г. асари эфир орқали тарқатиш ҳуқуқи

9. Муаллифларнинг шахсий мулкӣ ҳуқуқини кўрсатинг?

- А. асар дахлсизлиги ҳуқуқи
- Б. муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ
- В. муаллифлик ҳуқуқи
- Г. асарни эфирга узатиш ҳуқуқи

10. Асарни такрорлаш ҳуқуқи неча йил амалда бўлади?

- А. муаллиф умри давомида ва яна 50 йил
- Б. муаллиф умри давомида ва яна 50 йил
- В. муаллиф умри давомида
- Г. 50 йил

11. Асарни тарқатиш ҳуқуқи неча йил амалда бўлади?

- А. муаллиф умри давомида ва яна 50 йил
- Б. 25 йил
- В. 50 йил
- Г. чексиз муддатда

12. Асарни барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи неча йил амалда бўлади?

- А. 50 йил
- Б. муаллиф умри давомида
- В. муаллиф умри давомида ва яна 25 йил
- Г. муаллиф умри давомида ва яна 50 йил

13. Таҳаллус остида ёки имзосиз қонунӣ ошкор қилинган асарга бўлган мулкӣ ҳуқуқлар асар ошкор қилинганидан кейин неча йил давомида амал қилади?

- А. 25
- Б. 50

В. 70

Г. 75

14. Муаллифнинг қандай ҳуқуқлари мерос бўйича ўтмайди?

А. Номулкий

Б. Мулкий

В. Сиёсий

Г. Маданий

15. Меросхўрлар шахсий номулкий ҳуқуқларни қанча муддатда ҳимоя қилишга ҳақли?

А. ушбу ҳуқуқлар муддат билан чекланмайди

Б. 25

В. 50

Г. 70

16. Муаллифлик ҳуқуқи (мулкий ҳуқуқлар) амал қилиш муддатининг тугаши билан асар қандай мулкка айланади?

А. ижтимоий

Б. хусусий

В. давлат

Г. Жамоа

17. Ўзбекистон ҳудудида ҳеч қачон муҳофаза берилмаган асар қандай мулк ҳисобланади?

А. умумий

Б. шахсий

В. муниципал

Г. Ижтимоий

18. Асарни омма олдида намойиш этиш ҳуқуқи қандай ҳуқуқ?

- А. мулкӣ ҳуқуқ
- Б. номулкӣ ҳуқуқ
- В. мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқ
- Г. тижорат ҳуқуқи

19. Эргашма ҳуқуқ яна қандай ном билан аталади?

- А. биргаликдаги ҳуқуқ
- Б. ўтиш ҳуқуқи
- В. ҳамкорликдаги ҳуқуқ
- Г. шажара ҳуқуқи

20. Рассом эргашма ҳуқуқдан фойдаланиши учун унинг асари қаерда қайта сотилиши лозим?

- А. галереяда
- Б. бозорда
- В. бродвейда
- Г. исталган жойда

21. Эргашма ҳуқуқ (ўтиш ҳуқуқи) қайси асар муаллифларига тегишли бўлади?

- А. графика асарлари
- Б. дизайн асарлари
- В. ҳайкалтарошлик асарлари
- Г. тасвирий санъат асарлари

22. Рассом эргашма ҳуқуқдан фойдаланиши учун унинг асари олдинги нархдан камида неча фоиз юқори сотилиши лозим?

- А. 20

- Б. 40
- В. 50
- Г. 70

23. Рассомнинг асари олдинги нархдан камида 20 фоиз юқори нарх бўйича ошкора қайта сотилганда, муаллиф қайта сотиш нархининг неча фоизига эга бўлади?

- А. 5
- Б. 10
- В. 15
- Г. 20

24. Рассом вафотидан сўнг эргашма ҳуқуқ кимларга ўтказилиши мумкин?

- А. фақат меросхўрларга
- Б. меросхўрлар ва ҳуқуқ эгаларига
- В. васиятнома олувчига
- Г. давлатга

25. Чоп этилган мусиқа асарларини қайси ҳолатда ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда омма олдида ижро этишга йўл қўйилади?

- А. кўчаларда
- Б. тўй-танталарда
- В. расмий, диний ва дафн маросимларида
- Г. исталган жойда

26. Энциклопедия, газета, журналлардан фойдаланишга бўлган мутлақ (мулкӣ) ҳуқуқлар кимга тегишли?

- А. давлатга

- Б. ҳеч кимга
- В. уларнинг ноширига
- Г. уларнинг муаллифларига

27. Ҳизмат асаридан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар (мулкӣ ҳуқуқлар) кимга тегишли бўлади?

- А. иш берувчига
- Б. давлатга
- В. муаллифга
- Г. мерос олувчига

28. Ҳизмат асарига бўлган номулкий ҳуқуқлар кимда сақланади?

- А. муаллифда
- Б. иш берувчида
- В. буюртмачида
- Г. Давлатда

29. Муаллифлик ҳуқуқининг муҳофаза белгисини топинг?

- А. айлана ичидаги лотинча “С” ҳарфи
- Б. айлана ичидаги лотинча “Д” ҳарфи
- В. айлана ичидаги лотинча “Р” ҳарфи
- Г. айлана ичидаги лотинча “Ф” ҳарфи

30. Асардан репрографик такрорлаш йўли билан фойдаланишга кимларга йўл қўйилади?

- А. тижорат ташкилотларига
- Б. кутубхона, архивларга
- В. давлатга
- Г. тергов органлари, судларга

Хулоса ва тавсиялар

Ўқув-услубий қўлланма ишининг якунида мавзу юзасидан, шу жумладан умумий ҳуқуқий фанлар бўйича қуйидаги хулоса ва тавсияларга келинди:

Педагогик соҳа бўйича:

1. Амалдаги “Олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки мазмунига қўйилган давлат талаблари”ни ҳозирги кун талабидан келиб чиққан ҳолда танқидий ўрганиб чиқиш ҳамда унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш лозим. Ўқув режадаги “Ҳуқуқшунослик” ва “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси” фанларини 1-курс қайта тиклаб, 1-семестрда “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси” фани, 2-семестрда “Ҳуқуқшунослик” фани ўтилиши мақсадга мувофиқдир.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан “Инсон ҳуқуқлари” фанининг ўтилишини сўраб, маълумот талаб этилади. Аммо бу фан умуман ўтилмайди. Шунда вазиятдан чиқиш учун “Муаллифлик ҳуқуқи” фанининг 2-мавзуси “Ўзбекистон Республикаси муаллифлик ҳуқуқи қонунчилигининг хусусиятлари ва инсон ҳуқуқларининг таркибий қисми сифатидаги ўрни” деб аталишини, мавзу режасининг 4-саволи “Муаллифлик ҳуқуқи қонунчилигининг хусусиятилари ва инсон ҳуқуқларининг таркибий қисми сифатидаги ўрни” деб номланади деб, яъни инсон ҳуқуқлари ўтилаяпти деб, жавоб ҳати ёзамиз ва вазиятдан чиқиб кетамиз.

Россия, Украина, Белоруссия давлатларидаги олий таълим муассасаларининг ўқув режалари билан танишганимда, уларда ҳуқуқий фанлар, уларга ажратилган соатлар кўплигини аниқладим.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1875-сонли қарорида келтирилишича, олий ўқув юртларида айрим махсус фанларни, хусусан, техник ва халқаро мутахассисликлар бўйича ўқитиш чет тилларда олиб борилади, деб режалаштирилган. Ҳуқуқий фанларни инглиз тилида

ўтилиши таклифини билдираман. Аммо бу профессор-ўқитувчилардан катта меҳнат талаб қилишини инобатга олиб, маошларига қўшимча 30 фоизлик устама ҳақ ҳам тўлансин. Ахир, барча хужжатларни инглиз тилида тайёрлаш анча мураккаб. Ана шунда, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультетларида фанларни инглиз тилида режалаштирилаётганлиги ёрдам беради. Қолаверса, бу келажакда ушбу факультетлар фаолияти кўрсатгичи бўлиб қолади.

4. Дарс инглиз тилида ўтилса, ўқутувчига енгилликлар бериш лозим, рағбат бўлиши лозим. Агар дарс инглиз тилида олиб борилса, инновацион таълим методларини инглиз тилида, маъруза матни слайдларини инглиз тилида, казусларни инглиз тилида, Ispring дастурида тузилган тестларни инглиз тилида бўлиши талаби қўйилсин.

5. Таълим олувчиларнинг, жумладан, студентларнинг мобил телефонлари орқали интернет саҳифаларига кириб, ўзларига зарур бўлган маълумотларни олиш имкониятлари ривожланмоқда. Бунда, миллий контентда ахборот манбалари етарли бўлмаганлиги сабабли, чет эл сайтларига муражаатлар кўпайган. Лекин, уларнинг ишончлигига, кимларнинг манфаатига хизмат қилишига ҳеч ким кафил бера олмайди. Шунинг учун Ispring дастурида тестларни, слайдларни, электрон дарсликларни тузиб, тезда ОТМ сайтига жойлаштириш лозим.

Қонунчиликка тавсия этиладиган таклифлар:

1). 2006 йил июн ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддаси “Муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлган асарлар” деб номланиб, ушбу моддага биноан, қўйидагилар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланади:

адабий асарлар (адабий-бадий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқа асарлар);

драма ва сценарий асарлари;

матнли ёки матнсиз мусиқа асарлари;
мусикали драма асарлари;
хореография асарлари ва пантомималар;
аудиовизуал асарлар;
рангтасвир, хайкалтарошлик, графика, дизайн асарлари ва тасвирий
санъатнинг бошқа асарлари;
манзарали-амалий ва сахна беағи санъати асарлари;
архитектура, шаҳарсозлик ва боғ-парк барпо этиш санъати асарлари;
фотография асарлари ва фотографияга ўхшаш усулларда яратилган
асарлар;

жўғрофия, геология хариталари ва бошқа хариталар, жўғрофия,
топография ва бошқа фанларга тааллуқли тарҳлар, эскизлар ва асарлар;

*барча турдаги ЭҲМ учун дастурлар, шу жумладан ҳар қандай
дастурлаш тилида ва ҳар қандай шаклда, чунончи бошланғич матн ҳамда
объект кодида ифодаланиши мумкин бўлган амалий дастурлар ва операция
тизимлари;*

белгиланган талабларга жавоб берадиган бошқа асарлар.

Демак, ЭҲМ учун дастурлар объект бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги
Кодекснинг 155-моддаси “Ахборотдан фойдаланиш қоидаларини бузиш” деб
номланиб, ушбу модданинг 4-бандига кўра, *ўзганинг электрон ҳисоблаш
машиналари учун яратилган дастури ёки маълумотлар базасини ўз номидан
чиқариш* ёхуд қонунга ҳилоф равишда ундан нусха олиш ёки бундай асарларни
тарқатиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч
бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача
миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 149-моддаси
“Муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш” деб номланиб, ушбу
моддага кўра, тафаккур мулки объектига нисбатан *муаллифлик ҳуқуқини
ўзлаштириб олиш*, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулк

объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш — энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириш ўзганинг асарини (тўлиқ ёки) ўз номи *остид*а (плагиат) ҳар қандай усул билан эълон қилинишида ифодаланади. Илмий, адабий, мусиқий асарни эълон қилиш, кўргазмада намойиш этиш, телевидение орқали кўрсатиш, радио эшиттириш орқали таништириш ва ҳоказолар шундай усулларга киради.

Демак, ЭҲМ дастурларини ўзлаштиришни ҳам маъмурий, ҳам жиноий ҳуқуқ бўйича квалификация қилиш мумкин. Тўғри инсонпарварлик тамойилини асос қилиб олиб, ҳуқуқбузар олдин маъмурий жавобгарликка тортилади. Аммо, барибир, бунда коллизия мавжуд бўлгалигидан, қайси ҳуқуқ соҳасини қўллаш лозимлиги мутасадди органларга қийинчилик туғдиради.

2). Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасида муаллифлик ҳуқуқининг объектлари санаб ўтилган. Ушбу моддада талабга жавоб берадиган *бошқа асарлар ҳам* объект сифатида қабул қилиниши белгиланган. Интернет-сайтларни ҳам алоҳида киритиш тавсия этилади. Сабаби сайтларнинг сони кўпайиб бормоқда.

3). Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг қуйидаги модда ва бандлари муаллифлик ҳуқуқига оиддир.

- 155-модданинг 4-банди: Ўзганинг электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастури ёки маълумотлар базасини ўз номидан чиқариш ёхуд қонунга хилоф равишда ундан нусха олиш ёки бундай асарларни тарқатиш - фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса - уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади;

- 165-модда: Лицензия олиниши ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар олиниши шарт бўлган фаолият билан лицензиясиз ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш - фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса - ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади;

- 167-модда: Эксперт комиссияси баҳоламаган видеоёзувли кассеталарни сотиш - видео кассеталарни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тегишли рухсат олмай туриб видео муассасаларни (видеоёзувли кассеталарни ижарага бериш пунктлари, видеозаллар, кабель телевидениеси студияларини) очиш ёки бундай муассасаларни ёпиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин ҳам уларнинг фаолиятни давом эттириши - фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса - уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Видео муассасаларда эксперт комиссияси баҳоламаган видеоёзувли кассеталардан фойдаланиш - видеоёзувли кассеталарни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, - видеоёзувли кассеталарни ва видео аппаратурани мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида, мансабдор шахсларга эса - беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлиги тўғрисидаги 28-бобнинг 245-моддасида юқоридаги учала моддалар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилиши белгиланган.

Амалиётда бу учала моддаларни қўллаш самараси пастроқдир. Сабаби, судьялар бевосита ўзлари ҳуқуқбузарлик содир этилаётган жойларга чиқмайдилар, далолатномалар, баённомалар тузмайдилар, уларнинг ўзларининг иш ҳажмлари ортиб-тошиб ётибди. Ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисидаги баённомани прокуратура департаменти ходимлари Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал Мулк Агентлиги ходимлари ёки шу борада ваколатга эга бўлган шахслар иштирокида тузадилар. Кейин баённома судга тақдим этилади. Таклифим шундан иборатки, бу учала моддаларнинг тааллуқлигини судга эмас, Интеллектуал Мулк Агентлигига бериш лозим. Жойларда, туманларда Интеллектуал Мулк Агентлиги ходимлари штатини жорий этиш керак. Бунда ундирилган жариманинг 60 фоизи давлат бюджетига, 40 фоизи Интеллектуал Мулк Агентлиги бюджетига ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳозирда англо-саксан тизими тажрибасини қўллаб, барча маъмурий ишларнинг тааллуқлигини судларга ўтказиш масаласи давр талаби бўлиб турибди. Агарда шундай қилинса, ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисидаги баённомани Интеллектуал Мулк Агентлиги *ваколати эмас, мажбурияти* сифатида белгилаб, тааллуқлиликини судларда қолдириб, ундирилган жариманинг 60 фоизи давлат бюджетига, 10 фоизи судларнинг фаолиятини такомиллаштириш жамғармасига, 30 фоизи Интеллектуал Мулк Агентлиги бюджетига ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Агар ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарлик фактини инкор этса, ундагина мазкур учала моддалар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилиши белгиланиши лозим.

4). “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунининг 10-моддаси мазмуни, хусусан, муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бирон-бир бошқа расмийчиликка риоя этиш талаб қилинмаслиги муаллифларга катта имкониятлар яратади: муаллиф асарни расмий рўйхатдан ўтказишдан ташқари норасмий усулда ҳам “рўйхатдан” ўтказиши ёки бошқа барча усуллардан фойдаланиш имкониятини беради.

Мисол учун, интернет орқали бир почта манзилдан бошқа почта манзилига асар фотоси ва унга тегишли бўлган маълумотларни (муаллиф ёнида тушган ҳолда) юбориш. Бунда интернет почтасида асар яратилган вақт ҳақида, асар кимга тегишли эканлиги ҳақида ва киритилган бошқа маълумотлар сақланади. Амалиётда асарнинг ким томонидан яратилганлиги, қачон яратилганлиги, қандай турдаги асар яратилганлиги тўғрисидаги фактни исботлаш учун қуйидаги усулни ҳам қўллаш мумкин: почта манзилига бориб, йўқлаб олиннадиган хатни (письмо до востребования) жўнатиш лозим. Хатда жўнатувчи манзил ва уни қабул қилувчи манзил бир хил бўлади. Яъни муаллиф хатни ўзига ўзи ёзади. Конверт ичига асар туридан келиб чиқиб, нусхаси жойлаштирилади ва унга почта алоқа бўлимининг кундалик конвертга уриладиган думалоқ муҳри босилади. Почта алоқаси ходимидан нусхага муҳр босиш илтимос қилинади. Кейин конверт елимлаб ёпилади. Почта алоқаси бўлими конвертнинг олд томонига марка елимланган жойга муҳр босади. Асарнинг нусхасида ва конверт олд томонида босилган муҳрда қайси санада ва қайси почта бўлими томонидан муҳр босилганлиги акс эттирилади. Хат жўнатилганидан сўнг, муаллиф эртанги куни ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатиб, ўзи ёзган хатни почтадан олиб кетади. Таклифим шундан иборатки, ушбу имкониятлар борлигини “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунга киритиш лозим.

5). Айни пайтда шундай муаммо борки, ҳимоя қилинадиган муаллифлик ҳуқуқи объектларидан фойдаланиш усуллари кенгайиб бормоқда. Нусха кўчириш аппаратлари, электрон ҳисоблагич машиналари, рақамли фармат, компакт дисклар, флешкалар, қўл телефонлари, интернет каби ноу-хаулар бунга замин яратмоқда. Натижада ҳуқуқ эгалари асардан ноқонуний фойдаланган шахсларнинг барчасини аниқлай олмайдилар. Баъзи фойдаланувчилар эса, ҳуқуқ эгалари билан боғлана олмайдилар: асардан фойдаланиш тўғрисида шартнома тузиш мураккаблашади.

Мисол учун муайян радиоканал бир соатда ўртача 20та ашулани эфирга узатади. 20та ашуланинг 20та мусика муаллифи(бастакори), 20та матн муаллифи(шоири), аранжировкачилар, ижрочилари (хофизлари) бўлади.

Уларнинг барчаси билан муаллифлик шартномаларини тузиш имконияти ҳам йўқ.

Интернетда сайт орқали асар тарқатилганда эса, унданда мураккаб вазият вужудга келади.

Натижада фойдаланувчи учун муаллифлик ҳуқуқи объектларидан қонуний йўл билан эмас, ноқонуний йўл билан фойдаланиш осонроқ кечади. Агар ҳуқуқ эгаси судга даъво аризаси билан мурожаат қилса, фойдаланувчи учун ҳуқуқ эгасидан судда узр сўраш ва даъво суммасини тўлаш, қонуний фойдаланилгандагидан қўра енгилроқдир. Қолаверса, ҳуқуқ эгаси судда унинг муаллифлик ҳуқуқлари бўзилганлигини исботлаш керак: бу осон иш эмас.

Қонуний фойдаланиш йўллари осонлаштирилмас, соддалаштирилмас экан, контрофакт содир этилаверади.

Интернетнинг кенг тарқалиши билан унда муаллифлик ва турдош ҳуқуқларнинг бузилиши кенг содир бўлаяпти. Интернетда ҳуқуқбузарлик содир бўлганлигини исботлаш мақсадида далилларни тўплаш анча мураккабликлар келтиради. Ушбу далиллар процессуал жиҳатдан мақбул, аҳамиятли бўлиши ва уларни тўплаш осон ва арзон бўлиши лозим.

Ҳозирда кўпчилик ташкилотлар ўзаро рақобатлашиб, “WEB-депонирование” хизматларини, маълумотларни энг замонавий қурилмаларга нусха кўчириш хизматларини амалга оширмоқдалар.

Лекин, кўп ҳолларда бу виртуал усул мантиқсиз бўлмоқда: компакт дискларни суд ҳужжатларига тикиб бўлмайди. Агар жавобгар компакт дискдаги маълумотларни сохта ёки ўзгартирилган деса ёки “WEB-саҳифа” маҳмунига ҳеч қандай алоқаси йўқ деса, далилларнинг ҳақиқийлигини текшириш экспертизаси талаб қилинади. Бу эса анча маблағни ва вақтни талаб этади. Унгача жавобгарнинг WEB-саҳифасидан муаллифлик ҳуқуқи объектлари олиб

ташланади. Судга далил сифатида шубҳа туғдирмайдиган “қоғозлар”ни тақдим этиш лозим: ёки компакт дискларни (шунда ҳам “қоғозлар”ни бириктириб).

Таклифим шундан иборатки, давогарнинг ёзма илтимосига кўра, ишни кўраётган судья суд мажлиси залида контрофакт содир бўлаётган WEB саҳифани очиб, буни далил сифатида қабул қилсин.

Интернетда контрофакт маълумотлар жойлашганлигини муаллиф, ҳуқуқ эгаси билиб қолса, унинг аризасига кўра, интеллектуал мулк агентлиги ходими гувоҳлар иштирокида баённомани расмийлаштирсин ва бу судда инобатга олинсин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Рахбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Т., “Ўзбекистон” - 1997.
2. Каримов И.А. “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манаатлари – энг олий қадрият”. Т. Ўзбекистон. 2005 йил. 10-11 бетлар.
3. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир”. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
4. Каримов И.А. “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир”. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2015. 304 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистондавлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016.- 56 б.
6. Мирзиёев Ш.М. ”Танқидий таҳлил тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир рахбар фаолиятининг кундалик қондаси булиши керак. – Т.:“Ўзбекистон”, 2017. -104б.
7. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Т.: Ўзбекистон, 2017.- 48 б.
8. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан юирга қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017.- 488 б.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси–Т.: Ўзбекистон, 2015.
2. Римская конвенция 1961г. об охране прав исполнителей, производителей фонограмм и вещательных организаций. ВОИС, Женева, 1990.
3. Бернская конвенция об охране литературных, художественных произведений. Парижский акт. ВОИС, Женева, 1990.
4. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси: (2007 йил 1 августгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2007.

5. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: Адолат, 2013.
6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. – Т.: Адолат, 2013.
7. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. – Т.: Адолат, 2013.
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. – Т.: Адолат, 2013.
9. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008.
10. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: Адолат, 2004.
11. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Факультатив протокол. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: Адолат, 2004.
12. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: Адолат, 2004.
13. Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция. Ўзбекистон Республикаси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: Адолат, 2004.
14. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.1997. 464-I-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1997. 9-сон, 225-модда.
15. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган. 29.08.1997. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1997. 11-12-сон.
16. “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 20.06.2006. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 365 сонли Қарори.

18. Олий таълим. Меъёрий - ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами. “Истиқлол” -Т., 2004. Олий таълимнинг меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлари тўплами. -Т., 2013.й.
19. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 11 июндаги 204-сон буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. Ушбу Низомга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон ва 2013 йил 13 декабрдаги 470-сонли буйруғлари билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1981-2 - сон билан давлат рўйхатидан қайта ўтказилган. (ЎР ҚХТ, 2013 й., 50-сон, 659-модда).
20. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 31 мартдаги “Олий таълим муассасалари талабаларини меъёрий-ҳужжатлар билан таъминлаш тўғрисида”ги № 114 - сонли буйруғи.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги № 3-сонли Қарори.
22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 242-сонли Қарори.
23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2909 сонли Қарори.

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар:

1. Тошев Б.Н.: Авторское право. Т. :Издательство народного наследия им. А.Кадири, 1997.-168 с.

- 2.Тошев Б.Н. Муаллифлик ҳуқуқи. - Т.: Абдулла кодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997.-120.
3. И.Насриев. Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқларини ҳимоялаш.-Т.:Мехнат, 2003.-184 б.
- 4.Богуславский М.М. Вопросы авторского права в международных отношениях, Москва, Изд-во “Наука”, 1973.
- 5.Гаврилов Э.П. Авторское право, “Юридическая литература”, М.1988.
- 6.Дилленц, В. Авторское право. ”Юридическая литература”, М.1988.
- 7.Насриев И.И. Личные права автора произведений и гарантии их защиты. Автореферат. Ташкент,1995.
- 8.Обзор правовой работы системы ВААП за 1985-1990 г. Москва “ВААП-Информ”

Электрон таълим ресурслари:

- 1.<http://www.lex.uz>
- 2.http://library.cjes.ru/online/?a=con&b_id=85&c_id=8837- Авторское право: сборник методических материалов к междисциплинарному спецкурсу
- 3.<http://www.allpravo.ru/library/doc2044p0/instrum2045/item2046.html-> Право и интернет
- 4.http://www.gdf.ru/books/books/pravo/0006.shtml*- Авторское право фотожурналистов
- 5.<http://www.rwr.ru/?rubr3=19703&c=24073&day=2248&r=rubr3> материалы заседания круглого стола по проблеме авторских прав
- 6.www.v-time.com.ua/...po/318-formy-zaschity-avtorskogo-prava.htm
- 7.ima.uz/uz/news?ELEMENT_ID=1795
- 8.www.miripravo.ru/.../osnovnye-principy-ohrany-avtorskogo-prava-v-ss

Хорижий адабиётлар:

1. Copyright, Patent, Trademark and Related State Doctrines (University Casebook Series) Goldstein, 5th ed., 2004
2. Schechter P Selected Intellectual Property & Unfair Competition Statutes, Regulations, Treaties, 2006 ed.
3. Leaffer K. Understanding Series: Understanding Copyright Law by, 4th ed., 2005
4. McJohn L. Examples & Explanations: Intellectual Property by, 2nd ed., 2006